



***ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШДА
ГЕНДЕР ЁНДАШУВ
МАСАЛАЛАРИ***

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент 2018

Мундарижа

Кириш

1-МОДУЛЬ: ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР МАЗМУНИ.....13

1-машғулот: Ўзаро танишув ва гендер роллар билан танишишдаги шахсий тажрибалар

2-машғулот: Гендер масалаларига оид таянч иборалар мазмуни

2-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.....22

3-машғулот: Ўқитувчиларни касбга тайёрлашда гендер тўсиқларни тушуниш

4-машғулот: Педагогика олий таълим муассасалари ўқув дастурларида гендер масалаларини ҳисобга олиш

5-машғулот: Касбий таълим педагогикасида гендер масалаларини ҳисобга олинishi

6-машғулот: Педагогика олий таълим муассасаларида бошқарув механизмлари ва институционал қўллаб - қувватлаш хизматларини ташкил этишда гендер масалаларининг эътиборга олинishi

3-МОДУЛЬ: ИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.....36

7-машғулот: Педагогика олий таълим муассасаларидаги мутахассисликка кириш фани дастури мазмунида гендер масалаларининг эътиборга олинishi таъминлаш

8-машғулот: Ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларида гендер масалаларининг эътиборга олинishi

4-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ИЛМий ТАДҚИҚОТЛАРДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ.....47

9-машғулот: Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалалари эътиборга олинган тадқиқотларнинг аҳамияти

10-машғулот: Ўқитувчилар тайёрлаш бўйича гендер тадқиқотларини олиб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш

5-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ БЮДЖЕТ.....53

11-машғулот: Гендер билан боғлиқ бўлган бюджет таҳлили

12-машғулот: Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалаларини эътиборга олувчи бюджетни шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш

Тренинг учун иш варақалари.....58

Тренинггача бўлган таҳлил шакли.....68

Ўтказилган тренингни баҳолаш шакли.....70

Библиографик маълумот

Кириш
Ушбу қўлланма нима учун керак?



УШБУ ҚЎЛЛАНМА КИМЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН?

Ушбу қўлланма асосан иккита аудиторияга мўлжалланган. Биринчидан, у педагогларга ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнларида ўқув машғулотларини ўтказиш ва олиб боришда гендер масалаларини ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича тренинглар олиб борувчи тренер ва мутахассислар учун мўлжалланган. Шу билан бирга, ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалаларини ҳисобга олган ишланмалар яратишда ва фаолиятни амалга оширишда ҳам ушбу қўлланмага мурожаат қилиш мумкин. Иккинчидан, у таълим соҳадаги сиёсатни белгиловчи масъул шахсларга ва таълим дастурлари, дарслик ва ишланмалар яратувчиларга мўлжалланган бўлиб, қўлланма уларга гендер масалаларини яхши тушунишига ва уларнинг ўқитувчиларни тайёрлашдаги гендер тенгсизликка таъсирини баҳолашга кенг имконият яратади. Бу тушунча уларга гендер тўсиқларни бартараф этишида мос стратегия ва ҳаракатларни белгилаб олишига ёрдам беради.

Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалаларини ҳисобга олиш бўйича машғулотларни самарали ўтказилишини таъминлашда тренерларга ёрдам бериш мақсадида қўлланмада мустақил ўйлаб қарор қабул қилиш, индивидуал ва жамоавий ақлий ҳужум, гуруҳ бўлиб ишлаш ва бутун гуруҳ иштирокида муҳокама қилиш усуллари ўз ичига олган қатор методларни тавсия этади. Ўқув машғулотлари жараёнида тренерларга иштирокчиларнинг гендер масалалари таъсирини ўз тажрибаси асосида баҳолашга ҳамда ўқитувчиларни тайёрлашда тўпланган тажрибаларни гендер масалалари орқали ўрганишга хизмат қиладиган муҳит яратиш тавсия этилади. Шу билан бирга, уларнинг жараёндаги фикрлари ва мулоҳазалари гендер омилларини ҳисобга олувчи тамойиллар ишлаб чиқиш учун асос яратади. Мазкур қўлланмадан фойдаланувчи тренерлар таълим мақсади, кутилаётган натижаларни, модуллар мазмунини, методлар ва воситаларни яхши билиши керак.

УШБУ ҚЎЛЛАНМА ҚАНДАЙ ТУЗИЛГАН?

Қўлланма бешта модулдан иборат:

1-МОДУЛЬ: ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР МАЗМУНИ

Ушбу модуль иштирокчиларга бир бири билан танишиш ва ўзининг шахсий тажрибасини ҳамда жинс билан гендер орасидаги фарқни қай даражада тушуниш, шунингдек ўқитувчиларни тайёрлаш тизимида гендер билан боғлиқ асосий атамаларни ифодаловчи тушунчаларни ўзлаштириш имкониятини беради. Бундан ташқари иштирокчиларга ўқитувчиларни тайёрлаш даврининг умумий ҳолатини ва шу даврнинг асосий таркибига гендер омилларини киритиш зарурати борлигини кўра олишига ёрдам беради.

- | | |
|-------------|---|
| 1-машғулот: | Ўзаро танишув ва гендер роллар билан танишишдаги шахсий тажрибалар. |
| 2-машғулот: | Гендер масалаларига оид таянч иборалар мазмуни. |

2-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

- | | |
|-------------|--|
| 3-машғулот: | Ўқитувчиларни касбга тайёрлашда гендер тўсиқларни тушуниш |
| 4-машғулот: | Педагогика олий таълим муассасалари ўқув дастурларида гендер масалаларини ҳисобга олиш |
| 5-машғулот: | Касбий таълим педагогикасида гендер масалаларини ҳисобга олиниши |
| 6-машғулот: | Педагогика олий таълим муассасаларида бошқарув механизмлари ва институционал қўллаб - қувватлаш хизматларини ташкил этишда гендер масалаларининг эътиборга олиниши |

3-МОДУЛЬ: ИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

- | | |
|-------------|--|
| 7-машғулот: | Педагогика олий таълим муассасаларидаги мутахассисликка кириш фани дастури мазмунида гендер масалаларининг эътиборга олинишини таъминлаш |
| 8-машғулот: | Ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларида гендер масалаларининг эътиборга олиниши |

Ушбу модуль иштирокчиларга ўқитувчиларнинг малака ошириши даврида, яъни ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнининг кейинги босқичида,

гендер таҳлил ўтказиш бўйича тушунча беради. Унда бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёрлаш жараёнларида гендер тўсиқлар ва гендер масалаларининг эътиборга олинмаслиги гендер стереотиплар ва камситилишларнинг кучайиб боришига сабаб бўлиши, шунингдек иштирокчиларга ўқитувчиликка тайёрлаш соҳасидаги мутахассисликка кириш дастурлари мазмунига гендер масалаларининг киритилишига (7-машғулот) алоҳида аҳмият берилади.

Саккизинчи машғулот педагогика соҳасини, ўқитувчиларнинг малака ошириш дастурини тузиш ва таълим муассаси маданияти мазмунини гендер призмаси нуқтаи-назардан таҳлил қилишга қаратилган. У иштирокчиларга гендер масалалари ўқитувчиларнинг малака ошириш дастурлари ва машғулотлари мазмунида тўлиқ акс этмаётганлигини тушунишида ёрдам беради. Иштирокчилар гендер масалаларининг асл моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш бўйича жамоавий муҳокамалар ўтказиб, малака ошириш жараёнларида мазкур масалаларнинг киритилиши билан боғлиқ стратегияни таклиф қилади.

4-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ИЛМий ТАДҚИҚОТЛАРДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ

9-машғулот: Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалалари эътиборга олинган тадқиқотларнинг аҳамияти

10-машғулот: Ўқитувчилар тайёрлаш бўйича гендер тадқиқотларини олиб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш

Илмий тадқиқотлар ўқитувчиларни тайёрлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва гендер тенглигига эришишда юқори самарали восита бўла олади, аммо ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида унга эътибор етарлича берилмай, таълимда гендер жиҳатлари бўйича тадқиқотлар жуда кам амалга оширилади. Мазкур модуль, бир томондан, илмий тадқиқотларни амалга оширишга, бошқа томондан, гендер масалаларини педагогика олий таълим муассасалари ва мактабларга жорий этишга алоҳида эътибор қаратади. Бундан ташқари у гендер жиҳатларни ушбу муассасаларда илмий тадқиқотларнинг диққат марказида бўлишига ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этилишига алоҳида эътибор қаратади (9-машғулот). 10-машғулотда иштирокчилар таълимда гендер масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориши мумкин бўлган мавзулар бўйича ғояларни ишлаб чиқади ва гендер жиҳатларни ҳисобга оладиган тадқиқотларни ўтказиш учун зарур стратегияларни таклиф қилади.

5-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ БЮДЖЕТ

11-машғулот: Гендер билан боғлиқ бўлган бюджет таҳлили

12-машғулот: Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалаларини эътиборга олувчи бюджетни шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш

Бешинчи модуль гендер жиҳатларни ҳисобга оладиган бюджетга эътибор беради. Бу жиҳатларсиз ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалаларини ҳал этишга йўналтирилган ҳаракатлар кутилган натижаларни бермаслиги мумкин.

Модул мазмунидаги 11 ва 12 машғулотларда иштирокчилар касбга тайёрлаш ва ўқитувчиларнинг ишдан ажралмаган ҳолдаги узлуксиз малака ошириш жараёнида гендер масалаларини эътиборга олган бюджет ва молиялаштиришни таҳлил қилади. Шунингдек, бу машғулотлар гендер жиҳатлари ва ҳаражатларни графикка мос бўлишида бюджет мониторингининг аҳамияти ҳақида маълумот беради.

Машғулот якунида иштирокчилар жамоавий тарзда ўқитувчиларни тайёрлашда гендер жиҳатларни ҳисобга оладиган бюджетни шакллантириш стратегиясини муҳокама қилади ва таклифлар беради.

УШБУ ҚЎЛЛАНМАДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

Мазкур қўлланма ишланма яратувчи ва таълим соҳасидаги сиёсатни белгиловчи шахсларнинг салоҳиятини ошириш дастурини яратиш учун ишлаб чиқилган. Ундан 3 кунлик узлуксиз ўқув курсларини ташкил этишда фойдаланилади. Касбга тайёрлаш ва ўқитувчиларни малака ошириши жараёнида гендер масалаларини ҳисобга оладиган модуллар, шу соҳага кучли эътибор берилганда алоҳида тақдим қилиниши ҳам мумкин. Ушбу модуллардан тегишли соҳаларда ишлаётган мутахассислар алоҳида фойдаланишлари мумкин.

Аммо, шуни таъкидлаш зарурки, кўплаб мамлакатларда ўқитувчиларни тайёрлашда ишланма яратувчи ва таълим соҳасидаги сиёсатни белгиловчи шахслар одатда бевосита ёки билвосита касбга тайёрлашга ҳам, ўқитувчиларни малака ошириши жараёнига ҳам жалб қилинади, шунинг учун улар таълим дастурини бажаришдан ўзларига фойда олади. Улар ўқитувчилар тайёрлашнинг турли босқичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни кўради ва бу жараёнларга гендер масалаларини интеграция қилиш муҳимлигини тушунади.

Ўқув қўлланма тил кўникмаси, вақт ва методлар, шунингдек, муайян мамлакатларнинг тажрибаларидан мисоллар киритиш орқали индивидуал

матнга мослаштирилиши мумкин.

Ҳар қандай машғулоти кўрилатган масала билан боғлиқ муҳим ҳолатларни мустаҳкамлайдиган ёки тўлдирадиган асосий изохларини ўз ичига олади. Баъзи ҳолларда улар машғулоти пайтида иштирокчиларнинг тренерлар томонидан ресурс сифатида олиб қараладиган саволларга жавобларини ҳам қамраб олиши мумкин.

Тренингга ёндашув ва методика

- Ўқув машғулоти самарали бўлиши учун жараёнда фаол қатнашишни олдиндан назарда тутган мотивациялаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, тажриба алмашуви ва жамоавий ақлий ҳужумга алоҳида эътибор қаратадиган катта ёшдаги кишиларни ўқитишга асосланган андрагогик ёндашувни қўллаш зарур. Катта ҳажмдаги билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар мақсадли гуруҳлар бўлиб, таълим соҳасидаги сиёсатни белгилайдиган шахслар ҳисобланади ва тренерлар уларнинг тажрибаларидан фойдаланиши ва уларга бутун тренинг давомида таяниши керак.

- Иштирокчиларнинг эътибори, қизиқиши тренерлар ҳақиқатдан ҳам уларни ўқув жараёнига жалб қилганда кўриниши мумкин. Шундай экан, тренер ўзининг “маърузаларини” минимум даражага, тахминан 10 дақиқагача чеклашлари, биргаликда ўтказадиган машғулотларини қисқартириш, янги мавзунини муҳофаза қилишдан кейин ҳам иштирокчиларни жалб қилишга интилишлари шарт. Иштирокчиларнинг саволларига жавоб беришдан олдин жавобларни бошқа иштирокчиларнинг ўзларидан эшитишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

- Гуруҳдаги муҳофаза ва ақлий ҳужум асосий услублар бўлиши шарт, чунки улар малакаси, тажрибаси ва компетенция даражасига қарама-қарсикан барча иштирокчиларни жалб қилишнинг энг самарали услублари ҳисобланади. Гуруҳдаги ишни қизиқарли қилиш учун тренерлар услубларнинг кенг спектридан фойдаланишлари керак. Бинобарин, улар тажоввузкор ёки тортинчоқ иштирокчиларга ҳам фикрларини бемалол айтишларини таъминлаш учун гуруҳдаги ишда турли услубларни қўллашда тажрибали бўлишлари керак. Бундан ташқари гуруҳда маъмурий фаолиятда ҳар хил лавозимларни эгаллаган шахслар бўлиши муҳим. Юқори лавозимларни эгаллаган иштирокчилар гуруҳдаги муҳофазада етакчи бўлишлари мумкин, чунки улар бошқа иштирокчиларга ўхшаб ҳаракатланиши қийин бўлади. Бошқа иштирокчилар ўзларининг фикрларини айтишда кўрқув ҳис қилишлари мумкин. Бир томондан, тренер ҳар бир шахс гуруҳдаги муҳофазалар жараёнида ўзининг фикрини айтиш ҳуқуқига эга эканлигини эслатиши, иккинчи томондан, фикр билдиришда ҳамма тенг эканлигига риоя этишни таъминлаши керак. Турли тоифадаги иштирокчиларга сўз бериш ёки вақт тақдим этиш ва доим битта фаол иштирокчи(лар)ни таклиф қилмаслик лозим.

- Гуруҳ бўлиб ишлашда гуруҳ аъзоларидан навбат билан гуруҳдаги муҳофазаларни ёзиб боришини илтимос қилинг. Муҳофаза пайтида гуруҳда

ҳеч ким етакчи бўлмаслигига эътибор беринг, биргина одам гуруҳдаги ишни ёзиши ва тақдимот қилиши каби ҳолатларга йўл қўйманг.

- Иштирокчиларга ахборотни осон ўзлаштиришига ёрдам бериш ва уларнинг қизиқишларини давомли қилиш учун тренерлар таҳминан ҳар 30 дақиқада вазифаларнинг сурати ва турини алмаштириши керак. Масалан, биргаликдаги машғулотларни гуруҳдаги ишлар билан алмаштиринг. Ҳар куни эрталаб ва тушдан кейин ёки янги машғулоти бошлашдан олдин гуруҳлар таркибини алмаштиринг, иштирокчиларнинг янги ҳамкорлар билан ишлашига имконият яратинг. Гуруҳ шакллантиришнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, улар рақамлар бўйича, туғилган ойлари бўйича, исмларнинг биринчи ҳарфлари бўйича, интилишлари бўйича (бир фаслда туғилганлар ёки бир хил медаларни яхши кўрадиганлар ва ҳоказолар). Гуруҳлар жинс ва ёши бўйича аралаш бўлиши керак. Битта гуруҳда эркак ёки аёллар кўп бўлган ҳолатларда гуруҳларни қайтадан шакллантиринг.

- Худди шу тарзда гуруҳнинг натижаларини тақдим қилиш учун ҳар бир иштирокчи учун бошқалар олдида ўзини фикрини айтишга имконият яратиш мақсадида ҳар хил усуллардан фойдаланинг. Ҳар бир машғулотида ҳар хил усуллар таклиф қилинади, лекин тренерлар уларни мазмунга қараб қабул қилиши ёки бошқа усуллардан фойдаланиши мумкин.

- Бутун тренинг мобайнида иштирокчиларнинг ҳулки ва жалб этилиш даражасини кузатинг. Уятчан одамга ўхшаётган шахсларга гуруҳда ўзларининг фикрларини айтиши ёки гуруҳнинг иши натижаларини тақдим қилишга имконият борлигини аниқлашга эътибор беринг. Иштирокчиларнинг фаоллиги даражасини пасайишини кузатганингизда фаолиятнинг турини ўзгартиринг ёки чигилёзди машқларлардан фойдаланинг. Иштирокчиларга ҳам навбат билан чигилёзди машқлардан фойдаланишга йўл беринг.

- Тренерлар муайян ҳолатлардан келиб чиқиб муҳокама усулларини хилма-хиллигини мумкин. Бундай ҳолатда уларнинг тренинг мазмуни ва асосий маълумотлар билан танишиб олишлари учун мос келадиган методларни танлаб олиши мақсадга мувофиқ.

Гендер жиҳатларини самарали муҳокама қилиш

- Иштирокчиларга олдиндан қўйидаги материалларнинг нусхаларини ўзининг ёнида олиб келиши тўғрисида хабар беринг: педагогика таълим муассасасида фойдаланиладиган дарслик, мактаб дарслиги, мактаб ёки педагогика таълим муассасасининг бюджет ҳужжати (ўтган йиллар бўйича) материалларидан тренинг жараёнидаги гендер таҳлилида фойдаланилади.

- Тренерлар ва иштирокчиларга бўлиб ўтаётган воқеалардан хабардор бўлиш, фоторасмлар олиб келиш ва ўқув муассасаларида ўзлари гувоҳ бўлган гендер муаммоларига дуч келганда улар билан ўртоқлашиш тавсия этилади. Бу материаллар ўзаро фикр алмашиш ва муҳокама учун реал ҳаётдан олинган турли хил қимматли мисоллар билан таъминлайди.

- Ҳар бир инсон унга болалигидан сингдирилган ва чуқур илдизга эга гендер тасаввурлари таъсирида эканлигини эсланг. Ушбу тасаввурлари унинг

гендер қарашларини ўрганишдаги муносабати ва ёндашувига таъсир қилади, шунинг учун уларнинг гендер масалаларига нисбатан ички қарашларини ўзгартириш уларга осон бўлмайди. Иштирокчилар мавжуд гендер тасаввурларини ўзгартиришлари учун тренерлар уларга аввал ўз фикрларини ифодалаши учун вақт беришлари керак. Бу йўриқчиларга савол-жавоб усули ва янги тушунчалар бериш билан иштирокчиларнинг гендер тасаввурлари қай даражада экани ва гендер дунёқарашини таҳлил қилишга ёрдам беради.

- Иштирокчиларнинг гендер масалаларини тушунишига ёрдам бериш учун тренерлар касбга оид сўзларни ишлатишни минимум даражада чеклашлари ва улар ўрнига содда гап ва иборалардан фойдаланишлари керак. Ҳар доим иштирокчиларга очиқ саволлар бериб, улардаги бор билимларни янги мазмунга йўналтириб, янги тушунчаларни иштирокчилар биладиган тушунчалар билан боғланг.

- Тренерда ҳам шахсий гендер фикрлар бор ва улар ҳам ўзларининг гендер ролларини, агар улар нохуш ва ғаразли бўлса, бундай гендер тасаввурларни қаердан пайдо бўлганини изоҳлаш учун уларни тадқиқ этиши зарур. Тренер мавзу бўйича қарашларининг шубҳа остига олинишига тайёр туриши, ушбу қўлланмадан фойдаланиб, келажакда бошқа одамларга гендер жиҳатларга ёндашувда мавжуд бўлган қарашларни ўзгартиришига ва инкор этишига ёрдам беради. Бошқа тренинг ўтказишдан олдин тренерларга ушбу қўлланма билан яхшироқ танишиш тавсия қилинади.

1-МОДУЛЬ: ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР МАЗМУНИ

1-машғулот: Ўзаро танишув ва гендер роллар билан танишишдаги шахсий тажрибалар

Вазифалар:

Машғулотнинг якунида иштирокчилар:

- бир-бирлари билан танишадилар ва тренинг мобайнида самарали ишлаш кўникмаларини ўзлаштирадилар;
- “жинс” билан “гендер” тушунчалари орасидаги фарқни билиб оладилар;
- ўзларининг шахсий гендер тажрибасидан фарқлай оладилар;
- гендер масалалари қайси даражада инсоннинг касбий фаолияти ва ҳаётига таъсир қилишини яхшироқ тушунадилар.

Вақт: 1 соат

Материаллар: 1-иш варақаси, қоғоз варағи, флипчарт, маркерлар

Усуллар: кичик гуруҳлар билан ишлаш, ҳикоя қилиш, “мен - сен - биз” услуби, презентация, жамоавий умумлаштириш

Фаолият:

1. Иштирокчилар билан саломлашиш ва машғулот вазифаларини тақдим этиш.
(10 дақиқа)
2. Ҳар бир иштирокчига олдин унга нотаниш бўлган 3 та иштирокчи билан гуруҳ бўлишни илтимос қилинг (10 дақиқа)
3. 5 дақиқа ичида ҳар бир иштирокчи бошқа 3 та иштирокчи тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилади (исми, иш жойи, оилавий аҳволи, севимли ранги, ушбу тренингдан улар нимани олишни хоҳлайди ва ҳоказо).
4. Катта гуруҳларда ҳар бир иштирокчи бир дақиқа ичидаги танишиш машқи вақтида у учрашган инсонни таништиради.
5. 6 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳларни шакллантиринг. Ҳар бир гуруҳдаги гуруҳ аъзолари ичидан жуфтликларни аниқланг.
6. 6 дақиқа ичида ҳар бир жуфтлик 1-иш варағида ёзилган топшириқни бажарадилар.
7. Бундан кейин бошқа гуруҳ аъзоларига қараб, ҳар бир иштирокчи у билан оиласида ёки ишхонасида унинг эркак, аёл жинсига алоқадорлиги билан боғлиқ бўлган шахсий воқеани ҳикоя қилади. Ҳар бир иштирокчи воқеасини 1 дақиқа ичида айтиш керак.
8. Ҳар бир гуруҳдан 2 нафар хоҳловчилардан (битта эркак ва битта аёл) бутун гуруҳга гуруҳларига айтган шахсий воқеасини айтишни илтимос қилинг. Ҳар бир хоҳловчига бунинг учун 1 дақиқа беринг.
9. Жинс билан гендер орасидаги фарқга тегишли бўлган асосий маълумотларни умумлаштиринг:

✓ «**жинс**» репродуктив қобилиятига мувофиқ одамни аёл ёки эркак сифатида аниқлаётган биологик тавсифидир;

✓ «**гендер**» эркак ёки аёл жинсига боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий белгилар ва имкониятлар, роллар ва мажбуриятларга тегишли бўлган ижтимоий конструктдир. Гендер ҳам жинслар орасидаги муносабатлар билан боғлиқдир.

Қуйидаги жадвал қисқача жинс билан гендер орасидаги фарқга тавсиф беради:

ЖИНС	ГЕНДЕР
Репродуктив қобилиятларга мувофиқ биологик тарзда аниқланади	Роллар ва мажбуриятларнинг ижтимоий тарзда шакллантирилган йиғиндиси
Туғма	Туғма эмас
Табиий	Қабул қилинган
Ҳамма инсонлар учун умумий	Кўп жиҳатли: маданиятлар орасида, географик жиҳатдан, иқлим бўйича ва х.к. фарқ қилади
Ўзгармас (тиббий операция ёрдами билан ўзгартириш ҳолатлардан ташқари)	Ўзгарувчан (замон ва маконда)
Вақт ўтиши ва маданиятнинг янгиланишидан қатъий назар ўзгармайди	Вақт ўтган сари ёки маданият таъсирида фарқланади
<i>Мисол:</i> Фақат аёл фарзанд кўриши мумкин	<i>Мисол:</i> Аёллар эркаклар каби уларга хос бўлган ишларни бажариши мумкин

10. Иштирокчиларнинг иш ва ҳаёти гендер жиҳатларида асосланган маданий меъёрлар ва анъаналар томонидан аниқланганлигини иштирокчиларнинг гендер роллари билан танишиш шахсий тажрибаси тақдим этилаётганлигини таъкидланг. Ушбу гендер роллар ва мажбуриятларни қабул қилиш натижасида улардан шубҳаланмаган ҳолда одамларнинг муносабат ва хулқи ушбу тарзда гендер сабаблари таъсирига тушадилар. Баъзан одам гендер омилларни ҳисобга олмасдан ўйлаётгани ва ҳаракат қиляпти, чунки у битта жинснинг, кўпроқ аёлларнинг, манфаатларини чеклаган аниқ маданий меъёрларга риоя қилади. Шундай қилиб гендер стереотиплар ва сохта фикрлар сақланади. Одамлар жинс ва гендер орасидаги фарқни ва уларнинг ижтимоий муносабатлари қандай қилиб гендер сохта фикрларнинг таъсирига тушаётганлигини билганда, улар ҳар бир киши ҳаракат қилиб ўзининг гендер концепция учун баҳслашишни тушунишга келишлари мумкин. Шундай қилиб, ҳар бир киши гендер масалаларни ечишда конструктив ролини ўйнаш мумкин.

11. Ушбу машғулоти тугатаётганда, иштирокчиларга улар томонидан бажарилган иш тинч ва интерактив муҳитда уларга ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасида ишлаётган ҳамкасбларини билишга ёрдам берганлигини тушунтиринг. Иккинчи вазифа ҳам гендер ёндашув билан боғлиқ бўлган бирламчи ғояларни ўргатишдан бошланишини айтинг.

Чигилёзди машқлар: Иштирокчидан ўйин машқини ўтказишини илтимос қилинг(5 дақиқа)

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

✓ Мумкин бўлган ҳолларда, ўқитувчилар аёллар / қизлар ва эркек / ўғил болаларнинг ҳаётидан гендер жиҳатларидан қандай таъсир кўрсата олишлари учун мавжуд бўлган материаллардан фойдаланиши керак.

✓ Гуруҳ ишларида тренер эътиборни жалб қилмасдан гуруҳлар ўртасида ҳаракат қилиши, гуруҳлар ўртасида муҳокаманинг боришига ёки гуруҳ аъзосининг ўз фикрини ифода эта олмаганлиги ёки иштирокчиларда тушунтиришга муҳтож бўлган саволларга эътибор қилишлари керак. Топшириқлар барча гуруҳлар учун аниқ ва ишончли эканлигига ишонч ҳосил қилинг ва муҳокамада иштирок этишга даъват этинг.

✓ Баъзан иштирокчилар транссексуализм масаласини қандай ҳал қилиш ва одамнинг "жинси" қандай ўзгариши мумкинлиги ҳақида саволлар беришлари мумкин. Бу масалага нисбатан турли маданиятлар турлича муносабат билдириши, айрим маданиятларда у камроқ муҳокама қилинаётганини аниқлашдир. "Жинс" тушунчасининг биологик жиҳатдан ўзгармаслигини ва репродуктив қобилиятларни аниқлашини тушунтиринг. Айримлар, жинсни тиббий муолажалар билан алмаштириш мумкинлигини аммо репродуктив қобилиятларни ўзгартириш мумкин эмаслигини таъкидлашади. Шу сабабли, баъзи одамлар ўзларининг "жинси" ни ўзгартириш учун тиббий муолажаларни қўллашлари ушбу тоифага кирмайди.

2-машғулоти: Гендер масалаларига оид таянч иборалар мазмуни

Вазифалар:

Ушбу машғулоти якунида иштирокчилар:

- гендер масалаларига оид асосий тушунчалари ўрганадилар;
- ўқитувчилар тайёрлаш жараёнидаги асосий гендер тушунчаларни аниқлайдилар;
- навбатдаги модулларни ўрганиш ҳамда ўқитиш жараёнида учрайдиган асосий гендер тушунчаларини билиб оладилар.

Вакт: 2,5 соат

Материаллар: 2-иш варақалари, флипчартлар, маркерлар

Услугалар: гуруҳ иши (муаммоли вазият усулидан фойдаланган ҳолда), гуруҳ муҳокамаси, тақдирот, галерея методидан фойдаланиш, барча гуруҳ иштирокида тушунтириш ва муҳокамалар.

Фаолият:

1. Машғулоти мақсади билан таништириш

2. Барча иштирокчилар бир неча гуруҳга бўлинади (максимал 6 киши). Иштирокчиларга 2-иш варақаларини тақдим этинг ва берилган учта вазифани бажаришларини сўранг - 20 дақиқа.

3. Ҳар бир гуруҳга қуйидаги таянч иборалардан 2 тадан беринг ва флипчартда муҳокама қилинадиган тушунчаларни ёзиб қўйинг.

5. Келгуси 10 дақиқада ҳар бир гуруҳдан ўқитувчилар тайёрлашда ушбу 2 та гендер атамалари нимани англатишини сўранг ва уни флипчартларга ёзишлари ҳамда флипчартларини доскага илиб қўйишларини сўранг.

6. Гуруҳларга бошқа гуруҳларнинг тақдимотлари билан соат йўналиши бўйича айланиб танишиб чиқишларини таклиф қилинг, шунда улар бошқа гуруҳлар ишлаётган таянч ибораларни ўрганишлари мумкин - 15 дақиқа.

7. Барча гуруҳ иштирокида айрим аниқ бўлмаган таърифларни танланг ва уларни тўғирлаб олинг. Сўнгра кейинги берилган жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, барча атамаларнинг концепциясини такрорланг - 20 дақиқа.

Тушунчалар	Таъриф
1. Гендер роллари	Жамият томонидан эркаklar ва аёлларга таалукли маданий меъёрлар ва урф-одатларга мувофиқ амаллар ва ҳатти-ҳаракатлар мажмуаси (БМТ, 2014)
2. Гендер муносабатлар	Муайян жамиятда эркаklar ва аёлларни ижтимоий гуруҳлар сифатида бирлаштирадиган муайян ижтимоий муносабатлар, ресурслар билан таъминлаш ва ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш жинслар ўртасида қандай бўлишини ўз ичига олади. Гендер муносабатлар ижтимоий гуруҳда одамларнинг ҳолати ва шахсини аниқлаш учун ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи барча омиллар - ёшга, динига, ирқига, этник келиб чиқишига тўқнаш келади.
3. Гендер стереотиплари	Қиз ва ўғил, аёл ва эркак ҳақида, шу жумладан уларнинг қандай кўриниши, ўзини тутиши, ҳатти-ҳаракати ва фикрлаш тарзи тўғрисидаги тахминлар ва тасаввурлар. Таълим соҳасида математика, муҳандислик ва табиий фанлар бўйича ўғил болаларнинг қобилиятли бўлиши каби гендер стереотиплар кузатилиши мумкин, шунинг учун мазкур фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларнинг аксарияти эркаklarдир. Қиз болалар учун парваришлаш бўйича машғулотлар кўпроқ мос келади ва қизлар кўпроқ ижтимоий фанлар бўйича қобилиятга эгадирлар. Шунинг учун мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич мактабларда ўқитувчиларнинг аксарияти аёллар, аёл ўқитувчилар ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга мойил.
4. Гендер	Бу шахснинг инсон ҳуқуқларидан фойдаланишига

камситилишлар	тўсқинлик қиладиган ижтимоий ва маданий жиҳатлардан келиб чиққан гендер роллари ва нормалари асосида чиқарилган ҳар қандай фарқлаш, четлаштириш ёки чеклашни англатади. Қизларга эркекларга хос бўлган механика соҳаси ўрганиш тавсия этилмайди. Ўғил болалар, шунингдек, "аёллар фани" яъни ҳамшираликни ўрганишда камситилишлари мумкин (ЮНЕСКО, 2009)
5. Патриархат	Жамиятнинг шаклланишидаги босқич бўлиб, унда ота ёки катта ўғил оила бошлиғи ҳисобланади ва ворислик эркекка нисбатан олиб қаралади. Эркеклар ёки эрлик маъносига эга тушунчалар аёллар ёки аёллик маъносига эга тушунчалардан устун туради. Патриархат жамиятда, мулк, уй-жой ва мерос, шунингдек, ҳаётнинг аксарият соҳаларида қарор қабул қилиш эркеклар ҳуқуқидир. Бундай ташкиллаштириш усули гендер тенгсизлигининг асосини ташкил этади ва гендер камситишнинг турли турлари (БМТ)нинг давом этади.
6. Гендер ожизлик	Эркеклар / ўғил болалар ва аёллар / қизларнинг роли ва масъулиятлари уларнинг ўзига хос ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий контексти ва келиб чиқиши бўйича белгилаб қўйилганлигини тан олмайдилар. Бундай лойиҳалар, дастурлар, стратегиялар ва ижтимоий муносабатлар ушбу турли ролларни ва уларнинг турли эҳтиёжларини инобатга олмайди, шу билан статистикани сақлаб қолади ва унинг мавжуд гендер мувозанатни бевосита сақлаб қолади ҳамда ресурсларга нисбатан кўпроқ эркин имкониятлар беради.
7. Гендер таҳлил	Эркек ва аёлларнинг ривожланиш учун манфаатлар ва ресурслар аёллар ва эркеклар учун тенг равишда йўналтирилганлиги ва улар ўртасида тенгсизлик мавжудми ёки йўқми, қандайлигини аниқлаш учун маълумотдан фойдаланиш жараёни.
8. Гендер масалаларидан ҳабардорлик	Бу эркеклар, аёллар ўртасида ижтимоий ва маданий жиҳатдан аниқ фарқлар мавжудлиги (одатий хатти-ҳаракатларга асосланган ҳолда) ҳамда ресурсларни бошқариш қобилиятига таъсир қилади (БМТ, 2001). Гендер масалаларидан ҳабари бўлган педагогика ОТМнинг ўқитувчиси ҳудди ўғил болалар каби қизларнинг таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиши лозим, чунки жамиятда (жумладан, ўқитувчилар ўзлари) қиз ва ўғил болаларни бошқача баҳолашлари мумкин. Ушбу тушунча уларни, ҳар иккала жинсдаги ўқувчиларни самарали равишда

	рағбатлантириш нуктаи назарларини қабул қилиш ва ўқитиш усулларини қўллашни талаб қилади.
9. Гендер хилма-хиллик	Бу кўплаб имтиёзлар ва иборалар умум эътироф этилган гендер нормаларидан (БМТ) ошиб кетмаслигини аңлатади.
10. Гендер сезувчанлик	Гендер фарқлари, муаммолар ва тенгсизликларни аниқлаш ва уларни ажратиш қобилиятини аңлатади ва уларни стратегиялар ва ҳаракатларга қўшади. Ўқитувчиларнинг гендер масалаларига таъсирчанлигини ошириш учун педагогика ОТМнинг ўқув режаси, дастурлари, дарсликларида гендер тенглигини тан олмаслик ва эътибордан четда қолдирмасликларини аңлатади, шунинг учун улар ушбу соҳаларда гендер камситилишини бартараф этиш бўйича чоралар кўради.
11. Гендер нисбийлик	Эркаklar ва аёллар, қизлар ва ўғил болалар нисбий тенглиги билан боғлиқ рақамлар ва фоизлар бўйича рақамли тушунча. Гендер нисбийликда аёллар ва эркаklar сони (ёки муайян ҳолатларда эркаklar / аёллар) нинг маълум бир кўрсаткичга нисбати ҳисобланади ва эркаklar ва аёлларнинг гендер тенгликка қаратилган биринчи қадам сифатида тушунилади (ЮНЕСКО, 2012). Ўлчов усули сифатида, гендер нисбийлик таълим тажрибаси, иштирок этиш ва эришиш даражаси ва имкониятларини кенгайтиришга қодир қобилиятларни ривожлантириш билан боғлиқ ҳеч қандай маълумот бермайди.
12. Гендер тенгҳуқуқлик	Аёл ва эркаklar ўртасидаги масъулият ва имтиёзларни тақсимлашдаги ҳолислик ва адолатни аңлатади. Гендер тенглик аёллар ва эркаklarнинг турли хил эҳтиёж ва имкониятларга ега эканлигини ва бу фарқларнинг жинслар ўртасидаги мувозанатни пучга чиқарадиган тарзда аниқлаш ва кўриб чиқилишини тан олади. Ҳолислик даражасини таъминлаш учун аёллар ва эркаklar тенг шароитларда ишлашларига тўсқинлик қилувчи тарихий ва ижтимоий салбий шароитларни тартибга солиш учун ижобий чора-тадбирларни қўллаш зарур. Ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида гендер тенглиги аёлларнинг раҳбарлик лавозимларига тайинланишини ва қандай даражада бўлишидан қатъий назар, қарор қабул қилишда бир хил ваколатга эга бўлиши назарда тутилади.
13. Гендер тенглик	Бу барча одамлар ўзларининг шахсий қобилиятларини ривожлантиришлари ва стереотиплар, қатъий гендер

	роллари ва нотўғри тасаввурлар билан чегараланмаган танловларни амалга оширишлари мумкин бўлган концепциядир. Бу шунинг англатадики, аёллар ва эркеклар бир хил мақомга эга бўлиб, имконият ва ресурсларга киришда, ўз ҳуқуқ ва имкониятларини рўйбга чиқариш учун тенг шароитга эга бўлиб, натижаларидан фойдаланадилар. Гендер тенглик аёллар ва эркекларнинг ҳар хил ҳатти-ҳаракатлари, интилишлари ва эҳтиёжларини бир хил тарзда баҳолаганлигини англатади. Бу аёллар ва эркекларнинг бир хил бўлиши керак дегани эмас, лекин уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва имкониятларининг белгиланишини эркек ва аёллигига боғлиқ эмаслиги. Ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ўқув режа ва дастурлари мазмунида гендер масалалари билан боғлиқ мавзуларга эътибор қаратилиши, шунингдек ушбу курсларда эркек ва аёлларнинг тенг иштирокини таъминланиши ва уларнинг фикрларининг баҳоланиши орқали эришилиши мумкин. Гендер тенглигига эришиш ўқув дастурлари, педагогика, институционал усуллар, менежмент, тадқиқот ва бюджетдаги жинслар ўртасидаги тенгсизликларни англашни ва бундай тенгсизликларни йўқотишни талаб қилади.
14. Гендер муаммоларини инобатга олувчи дастур ва тамойиллар	Гендер тамойиллари, роллари ва муносабатларининг таъсирини тушуниш учун ушбу таъсирни фаол равишда камайтириш бўйича чора-тадбирлар кўришмоқда, бу эса гендер тенглигига тўсқинлик қилади. Қизлар ва ўғил болалар, аёллар ҳамда эркеклар учун муайян эҳтиёжлар ва манфаатлар баҳоланади ва улар учун бир хил натижаларга эришиш учун иш олиб боради (Таълимдаги глобал ҳамкорлик, 2016). Ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида гендер масалаларининг инобатга олинганлиги, гендер нормалари, роллари ва муносабатларининг муҳим таъсирини кўрсатади. У касбга тайёрлаш ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида гендер тўсиқларини бартараф этиш шу жумладан, аёллар ва эркекларнинг ўзига хос эҳтиёжлари эътиборга олинган муҳитда ўқиш ва ишлаши учун тенг имкониятларнинг яратилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.
15. Гендер ёндашув	Гендер тенгсизлигининг мавжудлигини ва уларнинг сабаблари, оқибатларини тушуниш ҳамда уларнинг ечимини таъминлаш тўғрисидаги ёндашув. У гендер

	жиҳатидан таҳлил қилинадиган барча соҳалар учун дифференциал кўришни ва унинг аёлларга ва эркакларга таъсирини аниқлаш учун фойдаланилади. Гендер ёндашув эркак ва аёллар ўртасидаги гендер муносабатларидаги ўзгариш бўлиб, эркаклар ва аёллар учун фойдали таъсир кўрсатадиган ваколатлар ва мажбуриятларни янада тенг тақсимлашга ёрдам беради. Аёлларнинг гендер роллари ва қобилиятларини ўзгартириш ҳақида эмас, балки эркаклар гендер роллари, муносабати ва ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларга ҳам ҳисса қўшади. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг иштирок ва тенг имтиёзларни амалга ошириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқишда қўлланилади (Чанг Лин Хенг, 2010). Гендер муаммоларини муҳокама қилиш ривожланишнинг барча босқичларида, шу жумладан педагогика олий таълим муассасаларининг гендер стратегиясини ишлаб чиқиш, режалаштириш, баҳолаш, молиятлаштириш ва қарорларни қабул қилиш тартиб-қоидаларига гендер масалаларини бевосита жалб қилишни ўз ичига олади. Ўқитувчиларнинг малакасини оширишда гендер масалаларини ҳал қилиш ўқув дастурида гендер омилларини, ўқув материаллари, педагогик ва ташкилий қўллаб-қувватлаш тузилмасини, тадқиқот ва касбий тайёргарлик бюджети билан боғлиқ мазмунни ўқитилишига эътибор қаратади. Бу шунингдек, аёлларнинг барча соҳаларда ва барча даражаларда қарорлар қабул қилишда тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлашни аниқлатади. Ўқитувчиларни ўқитишдаги гендер масалаларини ҳисобга олиш, шунингдек, талабалар учун стипендиялар ёки алоҳида муассасалар каби махсус гендер дастурларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.
16. Гендер белгилар бўйича ажратиш	Эркаклар / аёллар ва қизлар / ўғил болаларни стратегиялар, иш режалари, фаолияти, маблағлари, бюджетлар ва бошқа хизмат турларини белгилашга қандай таъсир кўрсатганлиги акс эттириш учун маълумотларни конфигурациялаш.

8. Бу гендер атамалар ва тушунчаларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш орқали иштирокчилар турли ҳодисалар, одамларнинг муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатларининг гендер мансублигини яшхироқ тушуниб олишлари мумкинлигини таъкидлаб, машғулоти яқунланг. Ушбу тушунчаларни билиш кейинги модулларини ўрганиш учун зарурдир.

1-модул учун саволлар ва жавоблар:

1-модул билан боғлиқ барча фикрларни қатнашчиларга тушунтиринг. Иштирокчиларнинг саволларига жавоб беришдан олдин, гуруҳдаги бирор киши жавобни билиши ва бу масалада ўз билимларини баҳам кўриш имкониятини беришини сўранг - 10 дақиқа.

Фаоллаштирувчи машқлар: Кўнгилли иштирокидан бутун гуруҳга ўйин машқларини ўтказишларини сўранг ва уларни кейинги модулга тайёрлаш учун ёрдам беринг - 5 дақиқа

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

Гендер тўсиқлар ва стереотиплар одамларнинг онгига чуқур кириб борган ва бундай ҳатти-ҳаракатлар бир хил жинсдаги аъзоларни камситадиган бўлса ҳам, мавжуд ҳаёт тарзлари ва ҳатти-ҳаракатларнинг "табiiй" эканлиги ҳақидаги тушунчага олиб келиши мумкин. Улар одамларнинг шахсий қобилиятларини ривожлантириш имкониятини чеклайди. Шу сабабли, ҳар бир киши гендер нуқтаи назаридан танқидий фикрга эга бўлиши керак. Уларнинг фикрлари ва ҳаракатларини гендер жиҳатидан бефарқ бўлганлиги ва бундай ҳолат давом этмаслиги учун уларни тасаввурларини ўзгартиришга ҳаракат қилишларини кўриб чиқинг.

Тенгсизлик. Гендер тенглигига эришиш учун ишлайдиган иштирокчилар нафақат аёлларга тегишли, "аёлларнинг иши" эмас, балки аёлларни эркакларга қарши қўйиш, бу - эркаклар / ўғил болалар ва аёллар / қизларнинг фикрлаши, муносабати ва ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришлардир. Шунинг эса тутиш керакки, гендер тенгсизликни қарор қабул қилиш ва иқтисодий-ижтимоий ресурсларга киришда аёлларни / қизларни четлатишдек салбий шароитларда кузатишимиз мумкин. Шундай қилиб, гендер тенгликни рағбатлантиришнинг муҳим жиҳати аёллар/қизлар учун имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам берувчи шароитларни яратишдир. Эркаклар/ўғил болалар салбий ҳолатларда бўлган ҳолларда гендер мувозанатга эришиш учун вазиятни тўғрилашга ҳаракат қилиши керак.

Барча гуруҳ иштирокида, машғулотлар охирида тренерлар иштирокчиларга гуруҳнинг тасодифий равишда бошқа гуруҳлар томонидан муҳокама қилинган ва белгилаб берган баъзи гендер атамаларни қандай тушунишларини айтиб беришларини сўрашлари мумкин. Бу иштирокчиларнинг ушбу шартларда ишламаган бўлса ҳам, барча қатнашчилар асосий тушунчаларни тўғри тушунишларига ёрдам беради. Шу муносабат билан иштирокчиларга галерея тақдиротини ўтказишда бошқа гуруҳларнинг натижаларига эътиборли бўлишларини сўранг ва агар керак бўлса тушунтириш учун саволлар беринг.

Юқорида келтирилган гендер аспект билан боғлиқ тушунчалар рўйхати тўлиқ эмас ва ушбу қўлланмада келтирилган модулларга бевосита дахлдор бўлган асосий тушунчаларни ўз ичига олади.

Гуруҳлар сонига қараб ҳар бир гуруҳга гуруҳ муҳокамаси учун 2 дан ортиқ шартлар берилиши мумкин.

2-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

3-машғулот: Ўқитувчиларни касбга тайёрлашда гендер масалаларини тушуниш

Вазифалар:

Ушбу машғулот якунида иштирокчилар:

- инсонлар, оилалар, мактаблар, педагогика ОТМ ва жамият даражасида гендер тўсиқлар ҳамда уларни ўрганиш усуллари эгаллайдилар;
- иштирокчиларнинг диққат-эътибори ўқитувчиларни тайёрлашнинг барча босқичларида гендер масалаларни бошқаришга бўлган эҳтиёжни чуқурроқ англашлари керак;
- малака ошириш муассасаларида ўқитишни ва уларни гендер тўсиқлар ҳақидаги тўғри фикрларни қабул қилиш, бу уларга тўсиқларни бартараф этиш бўйича стратегияларни биргаликда ҳал қилиш ва маслаҳат бериш имконини беради.

Вакт: 2,5 соат

Материаллар: 3-иш варағи, флипчарт, маркерлар

Услуглар: Ақлий хужум, катта ва кичик гуруҳлар муҳокамаси, муаммо усули, тақдимот, умумий муҳокамалар

Фаолият:

1. Курснинг умумий вазифаларини киритиш орқали тренингни бошланг.
2. Барча гуруҳ иштирокида иштирокчилардан ўқитувчиларнинг касбга тайёрлашнинг моҳияти билан боғлиқ қуйидаги саволларни сўранг ва изоҳлар олинг:
 - а. ХХІ асрда касбий тайёргарликнинг асосий вазифалари нимадан иборат?
 - б. Замонавий ўқитувчи қандай касбий компетенцияларга эга бўлиши керак? Нима учун?
 - в. Касбий тайёргарлик жараёнлари бўлажак иш жойидаги жараёнлар билан қандай боғлиқ?
 - г. Касбий тайёргарликни шакллантиришда гендер масалаларининг ўрни нималардан иборат? Улар қандай?
3. ХХІ асрда касбий тайёргарликнинг муҳим ўрни ва юқоридаги масалалар бўйича бутун гуруҳнинг муҳокамасини умумлаштириш:

Касбий тайёргарлик - ўқитувчиларни касбга тайёрлаш жараёнидаги биринчи қадамдир. У бўлажак ўқитувчиларни касбий идеалларини шакллантириш, касбий муносабатларни ташкил этиш ҳамда педагогик кўникмаларга оид билимлар баъзасини ривожлантириш орқали тайёрлайди.

Ушбу босқичда ўзлаштирилган билим, кўникмалар асосида талабалар

кейинчалик ўз ўқувчиларини ўқитади, педагогик фаолиятини ташкил этади шунинг учун касбий тайёргарлик келажак авлодлар билим ва кўникмаларини шакллантирадиган ўзгаришларни амалга ошириш учун катта имкониятларга эга.

Талабалар олий таълим муассасаларида ўқиётган назарий фанлар ҳақида билиши жуда муҳим, аммо яхши педагог бўлиш учун бу етарли эмас. Касбий фаолиятга хос умумий ва хусусий педагогик маҳорат жуда муҳим, жумладан мавзу бўйича билимларни ўқувчиларга тушунтиришга ёрдам берадиган педагогик кўникмалар уларнинг касбий мотивациясини шакллантиради. Ўқувчиларнинг қизиқишини қўллаб-қувватлайдиган педагогик кўникмаларни самарали ўрганиш ва юқори натижаларга эришиш учун ёрдам беради.

Талабаларнинг билим ва педагогик маҳоратидан ташқари, ўқитувчилар талабаларга келажакда ўзларининг ХХІ асрда муҳим ҳаётий кўникмаларини, шу жумладан аналитик ва танқидий фикрлаш қобилиятларини, муаммоларни ҳал қилиш, мослашувчанлик, шахслараро мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек мустақил ва ҳамкорликда ишлашга ўргатишлари керак.

Касбий тайёргарлик - ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнининг биринчи расмий босқичи, шунинг учун у "ўқитувчиларни тайёрлашнинг бошланғич босқичи" деб номланади. Бу тайёр ўқитувчини шакллантирмайди, яъни ёш мутахассис мактабда ишлай бошлагач, у дастлабки йилларда қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож бўлади. Касбий тайёргарлик уларни мактаб муҳитига ва ўқувчиларга мослашиб, синфдаги ҳақиқий муаммоларни ҳал қилиши учун жуда муҳимдир.

Касбий фаолият жараёнида ўқитувчилар ўзларининг билим ва малакаларини мунтазам такомиллаштириши ва малакасини оширишлари керак. Технологик тараққиёт ва тез ўзгарувчан талаблар асосида ўқитувчилар янги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак, уларни ўз талабаларига етказиш ва уларни рағбатлантириш бўйича зарурий компетенцияларга эга бўлишлари зарур. Бу эса олий таълим муассаси ва олий таълимдан кейинги босқичларда ҳам узлуксиз касбий ривожланишни талаб этади.

Ўқитувчиларни касбий тайёрлаш жараёнларида ўқув дастурлари, педагогика, менежмент, ташкилий хизматлар, тадқиқот ва бюджет каби соҳалар бўйича гендер масалаларининг ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Талабалар ОТМга киришдан олдин, мактабда муайян гендер тўсиқлар намоён бўлади. Бу тенгсизликни мувофиқлаштириш учун кенг қамровли ва тизимли ишлар талаб этилади. Бу каби ҳаракатлар ўқувчиларнинг педагогика олий таълим муассасаларига киришидан олдин амалга оширилиши, шунингдек касбий тайёргарлик жараёнининг ҳар бир босқичида гендер таҳлилни ўтказиш керак. Шу билан бирга, гендер тенгсизликнинг асосий сабабларини бартараф этишда гендер сезгирлик стратегияларни ишлаб чиқиш асос бўлиб хизмат қилади.

4. 5 та кичик гуруҳни ташкил этинг. Иш варақаларини барча гуруҳга тарқатинг. Ҳар бир гуруҳдан учинчи иш варағида берилган вазифани бажаришни сўранг, бир гуруҳ "шахсий даража", бошқаси эса "оила даражсида" масалани таҳлил этсин. Натижаларни флипчартга ёзинг (30 дақиқа)

5. Ҳар бир гуруҳдан 20 дақиқа ичида қўйилган вазифани тегишли даражалар бўйича ўрганиб чиқишини сўранг: 1-гуруҳга "Шахсий даражадаги гендер тўсиқлар", 2-гуруҳ натижаларини "Оилада", 3-гуруҳ - "Мактабда", 4-гуруҳ "Педагогика ОТМда" ва 5-гуруҳ "Жамиятда". Гуруҳнинг тақдиротидан сўнг, қўшимча фикрлар бор ёки йўқлигини сўранг, тушунтириш учун тегишли гуруҳнинг саволларига мурожаат қилинг.

6. Умумжамоа иштирокида, 15 дақиқада, гендер хулқ-атвор ва тўсиқлар бўйича эркалар ва аёлларнинг бир-бирлари билан мулоқотда бўлишига эътибор беринг. Гендер ҳақидаги нотўғри қарашлар ва тўсиқларни тушуниш учун қуйидаги жадвалдаги қўшимча далиллардан фойдаланинг:

Гендер тўсиқларнинг сабаблари

- Инсон гендер ҳақидаги тушунчалар билан туғилмайди, улар болаликдан оилада, мактабда, иш жойида ва жамиятда эгалланади. Гендер тўсиқлар узок вақт давомида, одатда, ҳар иккала жинснинг одат бўйича сақланган гендер роллари ҳақидаги нотўғри тушунчалардан келиб чиқади.

- Қиз ва ўғил болалар учун муносиб ва устун касблар ҳақида бир-бирига ўхшаш ғоялар ўғил болаларни муҳандислик, ҳуқуқ ва тиббиётга йўналтиради. Соҳаларни танлашда гендер номутаносиблик айниқса, юқори синфларда касб-хунарга оид дарсларда табиий фанлар бўйича қизларнинг уй хўжалиги ишлари ёки ўғил болаларнинг қишлоқ хўжалиги ишларидаги иштирокида намоён бўлади.

- Умумтаълим мактабларида бошланадиган гендер жиҳатларига асосланган касбий йўналтирилганлик педагогика йўналишидаги ОТМларида кўплаб қизларнинг, бошланғич таълим ва гуманитар фанлар бўйича ўқитувчилик касбининг тобора аёлларга хос касб сифатида оммалашувига олиб келади. Педагогика ОТМларига ўқишга кирган йигитлар эса фан, технология, муҳандислик ва математика фанлари бўйича ихтисослашмоқдалар.

- Гендер камситишлар эркак ва аёл ўқувчиларни ўз салоҳиятларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

- Бошланғич мактабда гендер тенгсизликка олиб келадиган жиҳатлар - ўқувчилар педагогика йўналишидаги ОТМларига кирмасдан олдин аниқ кўринади. Шу сабабли, ўқитувчиларни тайёрлашдаги гендер масалалари билан боғлиқ чора-тадбирларни талабалар педагогика ОТМга ўқишга киришидан олдин амалга оширилиши керак.

7. Иштирокчиларга ўз гуруҳларида "педагогика ОТМга талабаларни қабул қилиш" мавзусини муҳокама қилишлари кераклигини айтинг. Ҳар бир гуруҳдан олдинги музокаралар натижаларини турли даражадаги гендер

масалалари бўйича референт материаллари сифатида ишлатишларини сўранг, сўнгра қуйидаги саволларга жавоб топинг:

а). Педагогика ОТМга талабаларни қабул қилишда қандай гендер тўсиқлар мавжуд ?

б). Сиз илгари аниқлаган гендер тўсиқларни бартараф этиш учун таълим сиёсати даражасида қайси чора-тадбирлар белгиланиши мумкин?

8. Ушбу машқларни бажариш учун 30 дақиқага вақт беринг ва уларга таълим соҳасидаги ишлаб чиқувчилар ва сиёсатчиларнинг масъулиятига тааллуқли фақат асосий ҳаракатларни тавсия қилиш кераклигини эслатиб қўйинг, чунки гендер камситилишининг барча ҳолларини таълим тизими ҳал қила олмайди.

9. Гуруҳ натижаларини тақдим этиш учун 15 дақиқа тақдим этинг. Ҳар бир гуруҳга фақат битта тавсия қилишни сўранг. Бошқа гуруҳ ўз фикрини ифодаласа, бошқа гуруҳ томонидан айтилган нарсаларни такрорлаш керак эмас. Жараёни барча гуруҳлар ўзларининг ишлаб чиқилган тавсияларига қадар давом этинг. Ишлари учун миннатдорлик билдиринг.

10. Барча гуруҳ иштирокида қатнашчиларга уларнинг тавсияларига қўшимча равишда, педагогика ОТМга талабаларни қабул қилиш гендер масалаларини ҳал қилиш учун қуйидаги асосий ҳаракатлар ҳисобга олиниши мумкинлигини тушунтиринг (10 дақиқа).

Педагогик таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш ва касбга тайёрлашда гендер масалаларининг эътиборга олиш учун тавсия этилаётган стратегиялар:

1. Мактаб ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқитувчилар малакасини ошириш дастурларини мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш ва таҳрир қилиш гендер стереотипларнинг қатъий бўлишига ҳисса қўшмайди.

2. Аёллар учун STEM (Илм-фан, технология, муҳандислик ва математика) фанларини тавсия қилиш (қизлар, ота-оналар ва ҳомийлар) орқали ушбу соҳалардаги аёллар учун стажировкалар, Устоз-шогирдлик ва стипендияларни тааклиф этишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш.

3. ОТМларига киришдан олдин мактаб ўқувчилари учун касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш лозим, шунда улар ижтимоий чекловлар асосида эмас, балки ўз қобилиятларига муносиб танловни амалга оширишлари мумкин.

Ўқитувчилик касбини аёллар каби эркаклар ҳам ҳисса қўшиши талаб қилинадиган жамият учун фойдали хизмат тури сифатида тарғиб қилиш орқали, йигитларни ижтимоий фанлар бўйича ўқувчилик касбига жалб этиш.

5. Ўқитувчиларни ўқувчиларнинг машғулотларда фаол иштирок этишига қўмаклашадиган, мураккаб математик масалаларни ҳал қилиш йўллари белгиладиган ижодий ўқитиш услублари ва билимларни фаоллаштириш стратегиясини танлай олиш қобилиятини риаяжлантириш.

6. Педагогика олий таълим муассасаларининг гендер концепциясида

Ўқитувчилар тайёрлашнинг барча фаолият соҳаларда гендер тенгсизликдан халос бўлиш ва гендер тенгликнинг таъминланиши акс этиши лозим.

7. Гендер муносабатлардаги тенгсизлик ва стереотипларни ўзгартириш учун педагогика ОТМда талабалар ва ўқитувчиларнинг гендер сезувчанлигини ошириш учун муайян меъёрларни ўрнатиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

Тренерга таълим жараёнида шахсга йўналтирилган ёндашув тамойилларини ўзлаштириш тавсия этилади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда шахсга йўналтирилган таълим ҳали жуда кам учрайди, лекин у талабалар - ўғил ва қизларга таълим жараёнида ўз имкониятлари ва фаолликларини оширишларига ёрдам беришга қаратилган кенг қўламли қизиқарли ва самарали усулларни ўз ичига олади. Шахсга йўналтирилган таълим усули кичик гуруҳлардаги иш, ўқитувчининг тушунтириши ҳамда яқка тартибдаги иш каби шаклларнинг уйғунлашуvidан (қисқа муддат давом этадиган) иборат. Ўқитувчининг имкониятларига таянадиган анъанавий анъанавий ёндошувдан фаркли ўлароқ, шахсга йўналтирилган ёндашувда ўқитувчи моделарор, фасилитатор вазифасини бажаради ва талабалар фаоллигини оширишга ёрдам беради. Бу жараёнда талабалар ва гуруҳ ишини фаоллаштирувчи турли хил метод ва технологиялардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Бундай ёндашув барча талабаларга қобилиятидан қатъи назар машғулотларда иштирок этиш, фикрларини ифода этиш, жамоада ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш, ўз-ўзига ишончни ошириш ва ўзлаштиришда яхши натижаларга эришиш имконини беради.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш методлари педагогика ОТМларида гендер тенглигини бартараф этишда самарали бўлади, чунки бу қизларнинг машғулотларда фаол иштирок этиши, ўз потенциалини намоён этиш ва ривожлантириши, ўзига ишонч ва ўз-ўзини ҳурмат қилиши учун имконият яратади.

Аслида, ушбу тренингда ишлатиладиган усуллар жараён давомида барча иштирокчиларни ўқамраб олишга ва уларнинг фаоллигини оширига асосланади.

***Иштирокчилардан семинар якунига қадар гендер масалалари ҳисобга олиган стратегиялар бўйича таклифлар ёзилган флипчартларни сақлашларини сўранг. Улар бюджетга бағишланган 5-модулда ушбу стратегиялардан фойдаланадилар.

4-машғулот: Педагогика ОТМлари ўқув дастурларида гендер масалаларини ҳисобга олиш

Вазифалар:

Ушбу машғулот якунида иштирокчилар:

- педагогика ОТМлари ўқув дастурлари мазмундаги гендер масалаларининг эътиборга олиншини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ўқув дастурларидаги гендер тенгсизлик масалаларини қандай таҳлил этиш ҳақидаги тушуниш;
- ўқув режаси / ўқув материалларида гендер масалаларини қандай эътиборга олиш бўйича ўзларининг асосий ҳаракатларини таклиф қилиш.

Вақт: 2 соат

Материаллар: 4-иш варағи, флипчартлар, маркерлар, стикерлар

Услублар: шахсий фикрлаш, кичик гуруҳ муҳокамаси, тақдимот, умумий муҳокамалар.

Фаолият:

1. Машғулотни ва унинг вазифаларини тақдим этинг.
2. Жамоа 5 та кичик гуруҳга бўлинади (агар иложи бўлса аввалги гуруҳлар янги таркибга эга эканлигига ишонч ҳосил қилинг).
3. Ҳар бир иштирокчидан мустақил фикрларини стикер ёки қоғозга ёзиб қўйишини сўранг; педагогика ОТМларидаги ўқув дастурлари, ўқув-услубий материалларда намоён бўладиган гендер камситишлардан 3 тасини ёзишларини сўранг; кейин гуруҳ аъзоларига ўзлари танлаган бу тўсиқларни ажратиш ва муҳокама қилишларини тушунтиринг. Гуруҳлар ўзларининг фикрларини флипчартга ёзади ва илиб қўяди. (20 дақиқа)
4. Барча гуруҳлар бошқа гуруҳларнинг тақдимотини кўриш учун соат йўналиши бўйича айланиб чиқади (5 дақиқа).
5. Барча иштирокчилардан 4-иш варағидан олинган кўрсатмаларни овоз чиқариб ўқишларини ва ҳар бир гуруҳда бир вакилни чақириб жавоб беришини сўранг. Жавобларни олганингиздан сўнг, бошқа иштирокчиларга ушбу масалада қўшимча фикрлари бор-йўқлигини сўранг. (20 дақиқа)
6. Ўқув дастурида ва ўқув материалларидаги гендер камчиликлар гендер тенгсизликни сақлаб қолиши тўғрисида тушунтиринг. (10 дақиқа)

Гендер тўсиқ ўқув режасида ва ўқув-услубий материалларда турли шаклларда намоён бўлади:

Ўқитувчилар малакасини ошириш дастурида курсларнинг мазмуни гендер масалаларини ўз ичига олмайди ёки гендер тенглигига алоҳида аҳамият бермайди.

Бўлажак ўқитувчиларни ўғил-қизлар ўртасидаги психологик фарқлари ва педагоглар учун ўғил-қизларга самарали ёрдам бериш учун зарур бўлган билимларни ўргатадиган курсларга жуда кам эътибор қаратилади.

Гендер тенглик вазифалари ўқув дастурини тақдим этишда аниқ

белгиланмайди.

Дарсликларнинг мазмунида эркаклар ва ўғил болалар кучли, обрўли ва тадбиркор деб тасвирланади.

Эркаклар кўпгина дарсликлар ва ўқув материалларида асосий қаҳрамонлар сифтида тасвирланади. Аёллар эса кичикроқ ролларни бажариш, одатда, уй ишларини бажариш учун кўпроқ сабр-тоқатли деб тавсифланади.

педагогика ОТМлари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқувчилар ўзларининг гендер хулосаларига эга бўлиб, бу жиҳат улар яратган ўқув дастурида акс эттирилган.

1. Шу гуруҳларга ўқув дастурлари ва ўқув материалларини гендер жиҳатидан сезгир қилиш учун стратегик тадбирларни биргаликда муҳокама қилиш ва таклиф қилиш. Флипчартда тавсия этилган стратегияларни ёзинг. (20 дақиқа)

2. Гуруҳ ишининг такдимоти: Биринчи гуруҳдан фақат иккита стратегик тадбирни такдим этишини сўранг. Иккинчи гуруҳдан ҳали айтиб ўтилмаган 2 та тадбирни қўшишини, сўнгра учинчи гуруҳдан биринчи иккита гуруҳда айтилмаган яна 2 та тадбирни қўшишини ва шунга ўхшаш гуруҳларда янги тавсиялар келгунига қадар давом эттиринг. Гуруҳларнинг бошқа гуруҳлар томонидан қайд этилган ишларни такрорлашига рухсат берилмаганлигига ишонч ҳосил қилинг. (30 дақиқа)

3. Асосий стратегияларни умумлаштириш ва такдимот қилиш. (10 дақиқа)

Гендер аспектларни ҳисобга олган ҳолда педагог кадрларни тайёрлашда ўқув режалари ва ўқув-услубий материалларни тайёрлаш учун тавсия этилган тамойиллар:

1. Педагогика ОТМ дастурининг мақсади, шунингдек, ўқитиш ва ўқитиш натижалари сифатида аниқ гендер тенгликни белгилаш.

2. Педагогика ОТМ раҳбарияти томонидан ўқув режалари ва дарсликларида гендер масалаларининг эътиборга олиншини баҳолаш.

3. Гендер тенгсизликни олдини олиш мақсадўида педагогика ОТМларининг ўқув режаси, дастурлари, дарсликлар ва ўқув материалларини мунтазам равишда гендер текширувини ўтказиш. Аудит натижаларига кўра, агар зарурат бўлса ўқув режа ва дастурларини ўзгартирилишини таъминлаш.

4. Бўлажак ўқитувчиларни гендер стереотипларга ва уларнинг салбий таъсирига нисбатан сезгирлигини ошириш. Соғлом ижтимоий муносабатларни ривожлантиришга имкон бериш учун ўқув дастурлари ва ўқув материалларида гендер масалаларини жорий қилишни таъминлаш.

5. Гендер сезгир бўлган ўқув режалари ва педагогика ОТМ дарсликлари учун назорат рўйхатини тузиш; ушбу рўйхат асосида барча эски ва янги ўқув дастурлари ва материалларининг текширилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

6. Ўқув дастурлари ва дарсликларни ишлаб чиқувчиларга гендер масалалари бўйича тренинглар ташкил этиш.

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

- Гендер таҳлилни самарали бўлиши учун қатнашчилардан ўзлари билан педагогика ОТМ дарслиги ва дастур нусхалари бўлишини сўранг. Тренерлар қатнашчиларни бу ҳақда олдиндан хабардор қилиш керак.
- Гендер таҳлил мос келувчи маълумотларни ҳам сон жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан ишлатилишини назарда тутди. Тренинг жараёнидаги таҳлил қатнашчиларини таҳлил жараёни билан таништиради, умумий хулосаларга ва натижаларга эга таҳлил билан эмас.
- Тингловчиларни ўқув дастурлари мазмунида гендер масалаларининг ёритилиши билан боғлиқ маълумотларни тушуниб олганлигини кузатиш.

5-машғулот: Касбий таълим педагогикасида гендер масалаларининг ҳисобга олиниши

Вазифалар:

Машғулот якунида қатнашчилар:

- ўқитувчиларни касбий тайёрлашда педагогикадаги гендер тўсиқларни таҳлил қилишади ва гендер таҳлил қандай қилинишини билиб оладилар;
- ўқитувчилар тайёрлаш жараёнидаги гендер масалаларини баҳолашнинг турли усуллари ҳақида чуқурроқ тасаввурга эга бўладилар;

Вақт 1.5 соат

Материаллар: Флипчартлар, маркерлар, стикерлар

Методлар: катта гуруҳда “мен-сен-биз”, мустақил фикрлаш, гуруҳ бўлиб муҳокама, шахсий тажриба алмашинув.

Фаолият:

1. Машғулот мақсадини тушунтириш билан бошланг ва қатнашчиларга педагогикада ўқитиш ва ўргатиш методлари ОТМ ўқитувчилари ва талаба-ўқитувчилари ўртасидаги муносабатларни аниқлаб беришда муҳим омил эканлигини эслатинг.
2. Қатнашчилардан стикерга ўз педагогик амалиётидан келиб чиқиб иккитадан ўзлари гувоҳ бўлган ёки келгусида талабалар орасида учраши мумкин бўлган гендер ҳуқуқларни чеклаб қўйиш ҳолатларини ёзишини сўранг.
3. Қатнашчилардан ўз ёнидаги шериклари билан ўзлари дуч келган ҳуқуқларни чеклаб қўйиш ҳолатлари ва уларнинг таъсирлари ҳақида ўртоқлашишини ва уларга кўрсатган таъсирнинг ечимини таҳлил қилишни сўранг.
4. Барча иштирокчилар иштирокида, ҳар бир столдан биттадан қатнашчидан ўз тарихи билан ўртоқлашишни сўранг.
5. Иштирокчилардан ўз стикерларини деворга ёпиштиришларини ва бошқа ҳамкасблари стикерларини ўқиб чиқишларини сўранг. Бу уларга

гендер нуқтаи назар ҳисобга олмайдиган турлича педагогик амалиётдаги мисолларни кўриб чиқишга ёрдам беради.

6. Кўрсатиб ўтилган амалиётлар таҳлили асосида аёл жинсига мансуб талабаларнинг ўз-ўзига паст баҳо берадиган ва ўзларига ишонмайдиган, гендер жиҳатларини ҳисобга олмайдиган ҳолатларидан умумий хулосани чиқаринг. Уларнинг кўпчилиги ўғил болаларга нисбатан имкониятларининг чекланганлиги ва ўз-ўзига ишончсизлиги, ҳамда улар яхши менеждер ва етакчи бўла олишмаслиги тўғрисидаги хато чиқарилган хулосалар билан енгилишади. Ўғил болалар ҳам қизлар ҳам улар қатнашаётган дарслар моҳият орқали гендер тенгликни тушинишмайди. Сўнгра педагогиканинг гендер муносабатларига мувофик олдиндан пайдо бўлган муҳим қарашлар санаб ўтилган қуйидаги тўхтамларни ишлатинг (15 минут).

Педагогика ОТМ амалиётида учраши мумкин бўлган баъзи гендер тўсиқларга мисоллар:

- ✓ педагогика ОТМ ўқитувчилари ўғил бола талабаларнинг исмларини эслаб қоладилар ва уларни тез тез чақирадилар.
- ✓ Улар ўғил болаларнинг жавобини узоқроқ тинглайдилар.
- ✓ Улар ўғил бола талабаларни тайёргарлигини ва жавобини мақтайди ва бутун аудиторияга ўртак қилиб кўрсатадилар.
- ✓ Улар савол қўйилганидан сўнг кўпроқ ўғил бола талабаларга эътибор қаратадилар.
- ✓ Улар қизларга мурожаат қилишда камситиш нутқини ишлатадилар.
- ✓ Улар саволларга жавобда тез-тез қизларни чақиришади ёки улар ичида энг яхшиси бўлганини қайта қайта чақиришади.
- ✓ Улар қизлар жавобларини тугатмай туриб гапларини бўладилар, уларни кам мақтайдилар.
- ✓ Аёл талабалар ҳаракати эркак талабалар ҳаракати каби баҳоланмайди.
- ✓ Аёл талабадан гендер стереотиплар (мисол учун итоатли бўлиш, пассивлик каби) кутилади.
- ✓ Муҳокамаларида ва лойиҳаларда тез-тез лидерлик роли эркак талабаларга тақдим этилади.
- ✓ Педагогика ОТМ ўқитувчилари эркак талабаларга (юқори даражали) мантиқий ўйлашни талаб қиладиган саволларни берадилар, аёл талабалардан эса (қуйи даражали) далиллар мазмунини сўрашади.
- ✓ Улар синф/аудиториядаги ўриндиқлар жойлашувини жинсга қараб тартиблашади (эркак талабалар хонада олд ўриндиқда бирга ўтирадилар; аёл талабалар орт ўриндиқда бирга ўтирадилар).

7. Гуруҳни 6 та иштирокчидан иборат кичик гуруҳларга ажратинг. Иштирокчилардан педагогик амалиётда яъни олдин муҳокама қилинган гендер камситилиш ҳолатлари устида ўйлаб кўришларини ва ўз гуруҳида мумкин бўлган стратегияни яъни педагогика ОТМ ўқитиш жараёнини гендер сезгир қилиши мумкин бўлган стратегияни муҳокама қилишни сўранг.

8. Ҳар бир гуруҳдан ўз хулосаларини тақдимот қилиш учун биттадан иштирокчини таъминлашларини сўранг. Гуруҳларни тасодифий тартибда тақдимот қилиш учун чақиринг.

9. Ўқув жараёнида гендер масалаларининг эътиборга олинishi билан боғлиқ эҳтимолий стратегияларни белгилаган ҳолда машғулоти яқунланг.

Ўқув режа ва дастурларини тайёрлашга гендер нуқтаи-назардан ёндашиш бўйича тавсиялар

1. Педагогика ОТМларида ўқув дастурлари мазмунига ўқув жараёнида гендер тенгликка эришиш учун ўқитувчининг ҳаракат услуби билан боғлиқ мавзуларни киритиш.

2. Ўқитувчиларнинг касбий компетенциялари таркибига гендер масалаларни ҳисобга олувчи, гендер масалаларда хабардорлиликни, гендер сезгирликни ва ўқитиш қобилиятини киритиш.

3. Ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқитиш воситаларида гендер тўсиқларни аниқлаш учун даврий гендер текширувларини олиб бординг.

4. Бўлажак ўқитувчиларни гендер стереотиплар ва уларнинг салбий оқибатларини билиши соғлом муносабатни ривожлантиришга имкон беради.

5. Педагогика ОТМ ўқитувчилари учун доимий тренинглари ташкил қилиш, ўз ўқитиш методларини гендер таҳлил орқали кўриб чиқиш ва уни ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш.

6. Ўқитиш жараёнида барча қатнашчиларга гендер сезгирлик қарашини сингдириш, ўқув жараёнига эркак ҳамда аёл жинсли талабаларни кенг жалб қилган ҳолда, ушбу қарашни мактабларда ишлаш жараёнида талаба-ўқитувчилар қўллашини кенгайтириш.

Фаоллаштирувчи машқлар: қатнашчилар кейинги машғулотга тайёрланиши ва нафас ростлаши учун ўйин машиқларини бажаради (5 дақиқа).

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

“Педагогика ОТМ ўқитувчиси” термини педагогика олий таълим муассасаларида дарс берувчиларга тегишли. “Талаба-ўқитувчи” ёки “бўлажак ўқитувчи” педагогика ОТМда ўқийдиган талабаларга тегишли.

Қатнашчилар учун таъкидланг:

- Педагогика ОТМлари ўқув жараёнида гендер масалаларининг эътиборга олинishi маҳоратли ўқитувчилар тайёрлашнинг мақбул платформасини таъминлайди.

- Педагогика ОТМ ўқитувчилари ва мураббийлари педагогик жараёнда қизлар ва йигитлар хоҳиш истаклари психологиясини ва гендер ҳуқуқларини чеклаш қандай қилиб уларнинг қобилиятларига ҳамда академик ва ижтимоий натижаларига таъсир этишини тушиниши зарур.

- Гуруҳ натижаларининг тақдимотини гуруҳ ишида кам иштирок этаётган қатнашчига берилишини сўранг. Бу гуруҳдаги барча иштирокчиларнинг бирдек қатнашишларини таъминлайди.

**6-машғулот: Педагогика олий таълим муассасаларида бошқарув
механизмлари ва институционал қўллаб - қувватлаш хизматларини
ташкил этишда гендер масалаларининг эътиборга олинishi.**

Вазифалар:

Машғулот якунида қатнашчилар:

- педагогика ОТМ фаолиятининг гендер таҳлилини баҳолайди;
- педагогика ОТМда гендер назариясини ҳисобга олувчи бошқарув

механизмини таъминлаш ва институционал қўллаб қувватлаш хизматларида гендер масалаларининг эътиборга олинishi ҳақидаги ўзининг хулосаларини таҳлил қилади.

Вақт: 2.5 соат

Материаллар: 5,6,7 - иш варағлари, флипчартлар, маркерлар, стикерлар.

Методлар: гуруҳда ишлаш (“қайноқ савол”) гуруҳ тақдими (“кўргазмали тақдимот”), умумий муҳокама

Фаолият:

1. Иштирокчилар педагогика ОТМ лари бошқарувида гендер масалаларининг эътиборга олинishини таҳлиллар орқали аниқлайдилар.

2. Барча иштирокчиларга умумий савол беринг: "Педагогика ОТМларида гендер жиҳатидан этиборсиз бўлган мавзу/йўналиш қандай пайдо бўлиши мумкин?" Жавоб бериш учун ҳар бир жамоадан бир кишини чақиринг ва 12 та жавоб берилмагунча жараёни такрорланг. Уларни флипчартга ёзинг. (10 дақиқа)

3. Жавобларни қисқача муҳокама қилинг ва иштирокчиларни "Педагогика ОТМ ўқитувчилари", "Институционал бошқарув механизмлари" ва "Ташкилий қўллаб-қувватлаш хизматлари" деб номланган уч тоифага таснифлашларини сўранг.

4. А, Б ва В ҳарфларини аралаштириб, иштирокчиларни танланган ҳарфлар асосида уч гуруҳда шаклланишини танинланг: "А", "Б", "В" гуруҳи.

5. "Ёнаётган савол" услубидан фойдаланиб, педагогика ОТМда гендер камситилиш ҳолатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун гуруҳларда ишлашларини тушунтириб беринг. Ҳар бир гуруҳга бошқа иш варағини беринг ва маълум бир ишда ишлашларини тушунтиринг. 5-ишчи варағни А гуруҳига, 6-ишчи варағини Б гуруҳга, 7-ишчи варағни В гуруҳига тақдим етинг.

6. Ҳар бир гуруҳ тақдим этилган шакллар бўйича 1-сонли вазифа юзасидан ўз ишини бажариб, соат стрелкаси шаклида алмашиб, навбатдаги столга ўтади ва у ердаги иш варағида ёзилган топшириқларга нисбатан ўзининг қўшимча фикрларини ёзиб чиқади.

7. Шундай қилиб, иш охирида барча уч гуруҳ бошқа гуруҳ ишига ва ўз маълумотларини тақдим этишга асосланган учта вазифани ишлаб чиқади.

8. Гуруҳларга ўзларининг флипчартларини деворга ёпиштиришларини ва барча иштирокчилар гуруҳларнинг натижаларини ўрганишларини сўраб, қисқа галерея тақдими соат йўналиши бўйича ушлаб туришини сўранг.

9. Барча гуруҳлар иштирокида 5, 6 ва 7-ишчи варақларда 2-сонли вазифани бажариш бўйича барча гуруҳнинг ишларини муҳокама қилинг:

- Иштирокчиларга 5, 6 ва 7-бандлардаги 2-сонли саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўрган гуруҳ иши натижалари ҳақида ўйлаб кўринг.

- Ҳар бир гуруҳдан бир кишидан жавоб беришини сўранг, лекин кейинги иштирокчини аввалги иштирокчи томонидан билдирилган ғояларни такрорламасликларини ва шунга ўхшаш барча гуруҳлар жавобларини тақдим этгунича огоҳлантиринг.

10. Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, педагогика ОТМда гендер масалаларининг асосий йўналишларини умумлаштиринг (10 дақиқа)

Педагогика ОТМда гендер тўсиқлар

- ✓ Педагогика ОТМ маъданияти меъёр, тартиб ва ўзини тутиш қоидалар, икки шахснинг бир бирига муносабати, инсонларнинг хулқини маъқул тасаввур қилиш ва ўргатиш, шунингдек кўрсатилаётган хизматлар ва ёрдамлар каби масалаларни ўз ичига олади.

- ✓ Педагогика ОТМ ўқитувчилари, маъмурият ходимлари ва талабалари учун хизмат кўрсатиш ва ёрдамлар уларнинг меҳнати сифати ва таълим малакаси қараб белгиланади. Бу хизматлар талабалар, аёллар ва ўқитувчилар учун меҳнат хавфсизлигининг таъминланиши, ёш болали аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш, тиббий хизмат, қизлар ва аёллар учун санузеллар, декрет таътилининг тақдим қилиниши, касаллик ҳақида маълумот, оилавий шароитга кўра таътил кабиладир.

- ✓ Таълим муассасалари маъмурияти томонидан гендер масалалари бўйича аниқ чора-тадбирларнинг йўқлиги, аёл ва эркаклар сонининг баробарлиги, аммо имкониятларидаги тафовутлар гендер тенгсизлигини юзага келтиради.

- ✓ Кўплаб педагогика ОТМ ўқитувчиларининг ўзлари гендер меъёрларни онгли ва онгсиз равишда маъданият ва урф-одатларимизга боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

- ✓ Педагогика ОТМ даги тушунчалар (масалан: эркаклар обрўга эга ва ўзларини кўрсата олганлигини ҳисобга олиб улар яхши лидердир, аёллар эса ҳиссиётга берилувчанлиги туфайли бундай ролга мос эмас) аёлларнинг эркаклар эгаллаган мансабларини эгаллашига йўл қўймайди. Шундай қилиб тенг ҳуқуқли бўлган тақдирда ҳам педагогика ОТМ гендери аёллар ҳуқумронлигига йўл қўймайди. Чунки аёллар қабул қилган қарорлар эркаклар томонидан ҳар доим ҳам бирдай қўллаб-қувватланмаслиги мумкин.

- ✓ Педагогика ОТМда гендер тенглик бўлиши керак. Педагогика ОТМларидаги гендер камчиликларни енгиб ўтиш ўзига хос стратегияни талаб этади.

12. Иштирокчилардан 3 та гуруҳ тузинг, гуруҳдаги гендер стратегиясининг 3 та йўналишини ёзинг: “Педагогика ОТМ ўқитувчилари”, “Бошқариш механизми”, “Ташкилий қўллаб-қувватлаш хизмати”.

- Қоғозга 3 та мавзу номини ёзинг ва гуруҳга танлаш учун таклиф этинг.
- Иштирокчилар гуруҳ бўлиб танланган мавзу бўйича ўз стратегияларини муҳокама қилишади (20 дақиқа).

13. Гуруҳдан ёзган ишлар натижасини сўранг. (10 дақиқа).

14. Тақдимотлардан сўнг машғулоти хулосасини шакллантиринг. Иштирокчиларга таълим муассасида гендер масалалари билан боғлиқ вазифаларни ва асосий омилларни ҳисобга олган стратегиялар ва тадбирлар энг яхши эканлигини таъкидлаб ўтинг.

Педагогика ОТМларида гендер сезгирликни таъминлаш бўйича тавсия этилган стратегиялар

1. Юқори лавозимларда эркак ва аёл ходимларни, шу жумладан, қўмиталар ва кенгашлардаги лавозимларда, шунингдек педагогика ОТМнинг вазифалари ва стратегияларида, шунингдек, қарорларни қабул қилиш ва режалаштиришда тенг вакилликни таъминлаш.

2. Иккала жинснинг тенг вакилликка эришиши учун педагогика ОТМнинг барча бўлимларига ходимларни ишга олиш ва уларни алмаштиришда жинсга сезгир квотани қўшинг.

3. Педагогика ОТМ ва унинг раҳбариятининг ишлашига гендер жиҳатидан сезгир институционал бошқарув ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган гендер кўрсаткичлари тўпламини киритиш.

4. Барча ходимлар учун гендер камситишни бартараф этиш, гендер тенгсизликнинг табиати ва илдизларини тушуниш, гендер камситишга тааллуқли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун барча ходимлар учун мунтазам тушунтириш ишларини ташкил этиш. Мазкур фаолиятни доимий кузатиб бориш ва мониторингини амалга ошириш.

5. Барча ходимлар учун гендер жиҳатдан сезгир нуқтаи назар ва ҳуқуқ-атворни ўз ичига олган меъерларнинг белгилаш ва унга мувофиқ бўлмаган тақдирда тегишли чораларни кўриш.

6. Миллий озчиликлар ва этник гуруҳларга мансуб аёлларни қўллаб-қувватлаш, педагогика ОТМда институционал хизматларнинг гендер жиҳатидан сезгирлигини таъминлаш.

7. Аёл ўқувчиларга, айниқса этник гуруҳларга ва ижтимоий ҳимояга, ёрдамга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож аёлларга стипендия ёки бошқа моддий ёрдам кўрсатиш.

2-модул учун саволлар ва жавоблар:

Модул давомида иштирокчиларга саволлар беринг. Саволларга жавоб беришдан олдин гуруҳдан фикрларин сўранг (10 дақиқа).

Фаоллаштирувчи машқлар: Иштирокчилардан кейинги модулга тайёргарлик кўриш учун ўйин машқларини ўтказишларини сўранг. (5 дақиқа)

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

➤ Педагогика ОТМлари ўқув дастурларини муҳокама қилишда, муассасадаги касбий тайёргарлик бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида муҳим восита эканлигини ёдингизда тутинг ва иштирокчиларга эслатинг.

➤ Педагогика ОТМни яқунлагач, ёш ўқитувчилар янги муҳитда мураккаб касбий масалалар билан тўқнашади: улар муаммоли ёки ўзлаштириши ортида қолган ўқувчилари бўлган синфни бошқариши, янги муҳитга, янги раҳбарга мослашишлари муҳим. Бундан ташқари, улар болаларининг янги ўқитувчиси ҳақида нима фикрда эканлигини билиш учун, ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳам мулоқот қилишлари зарур. Яна улардан мактаб фаолияти ва дарсларни режалаштиришни ҳам кутишади. Бу эса янги, ёш ва тажрибасиз ўқитувчилар учун мураккабдир.

➤ Инсон ўқитувчи сифатида дастлабки ишга жойлашаётган вақтда, гарчи ўқитувчи қанчалик яхши бирламчи касбий тайёргарлик кўрган бўлса ҳам ундан катта натижаларни кутиш ва ҳамма тўсиқларга тайёр деб ўйлаш керак эмас. Бундан келиб чиқадики, янги ўқитувчиларни дастлабки мутахассисликга кириш даврида қўллаб-қувватлаш, ўзига бўлган ишончини орттириш, уларнинг маҳоратини ошириш ва йўлида учрайдиган тўсиқларни енгишга ёрдам бериш зарур.

➤ Тадқиқотларга қараганда, кўп мамлакатларда мутахассисликка кириш дастурининг йўқлиги ёки самарасизлиги туфайли, одатда, ўқитувчиларнинг ишдан кетиши мактабга келганидан бошлаб биринчи беш йилликда кузатилади.

➤ Барча гуруҳлар бир вазифа устида ишлаётганида тақдимотнинг танланган услуби сифатида методологик «қўшимча» услубидан фойдаланиши мумкин. Тақдимот ҳамма қатнашчиларни қамраб олиши керак. Бунда тақдимотни кўриб ва эшитиб, ундаги нарсаларни такрорламасликка эришилади.

3-МОДУЛЬ: ИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

7-машғулот: Педагогика олий таълим муассасаларидаги мутахассисликка кириш фани дастури мазмунида гендер масалаларининг эътиборга олиншини таъминлаш

Вазифалар:

Ушбу машғулот якунида иштирокчилар:

- бўлажак ўқитувчиларни гендер масалаларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчилик касбига тайёрлашнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқ тушунилади;
- мутахассисликка кириш дастурининг ҳолатини таҳлил қилишади ва гендер масалаларининг ёритилиш даражасини ўрганишади;
- ўқитувчилик касбига тайёрлашда гендер масалаларини эътиборга олиншини таъминлаш стратегиясини биргаликда муҳокама қилишади ва тавсиялар беришади.

Вақт: 1,5 соат

Материаллар: 8-иш варағи, флипчарт, маркерлар, стикерлар

Услублар: гуруҳ муҳокамаси, Галерея тақдироти кўллаган ҳолда гуруҳ тақдироти, умумий муҳокамалар

Фаолият:

Машғулотни иштирокчиларни мутахассисликка кириш таълим дастури мазмуни билан таништиришдан бошланг (15 дақиқа).

1. Қуйидаги асосий йўналишларни иштироокчиларга эслатиб қўйинг:

- педагогика олий таълим муассасаларидаги тайёргарлик босқичи бўлажак ўқитувчиларга педагог сифатида фаолият олиб бориш учун дастлабки тайёргарликни шакллантиради, лекин уларни "тайёр мутахассис" қилмайди. Шу боис, ёш мутахассисларнинг педагогик билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаб туриши керак;

- ўқитувчиларнинг узлуksиз малака ошириши ўз ичига мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш, махсус таълим дастурлари асосида ихтисослашган таълим муассасаларида ўқиш, ҳамкорликда лойиҳаларни бажариш, стажировка, тадқиқотларни олиб бориш каби иш шакллари қамраб олади;

- касбий тайёргарлик ўқитувчиларга уларнинг меҳнат қобилияти ва компетенциясини мустаҳкамлашда, ўқитиш усуллари, синфни бошқариш ҳамда ўқув жараёнида АКТ ларидан фойдаланиш жараёнида ўғил ва қиз болаларга бирдек имконият ва шарт-шароитларни яратишида ёрдам бериши керак.

Мутахассисликка кириш дастурлари асосида ўзлаштирилган билим, кўникмалар ёш ўқитувчиларни педагогик фаолиятининг дастлабки йилларида ёрдам беради. Мутахассисликка кириш дастурлари мазмуни ўз

ичига синф раҳбарлиги, мураббийлик фаолиятини ташкил этиш, ҳамкасблар билан ишлаш ва мунтазам равишда ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш каби бир қатор тизимлаштирилган машғулотларни олади. Булар ёш ўқитувчиларнинг янги муҳитдаги қийинчиликларни бартараф этишида, мактаб ва ўқувчиларни яхши тушунишларида, олий таълим муассасасида олган билим ва кўникмаларини амалда қўллашида ва ишга муваффақиятли мослашишларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ёш ўқитувчиларни самарали, индивидуал тарзда қўллаб-қувватлаш уларга ишдаги кўплаб янги қийинчиликларни енгиб ўтишга, уларнинг касбига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, шу билан бирга мотивация ва масъулиятини оширишга ёрдам беради.

2. Иштирокчилардан мутахассислик дастурлари мазмунидаги гендер масалаларини аниқлаш учун 4 та янги гуруҳни ташкил этинг ва 8-иш шакллари тарқатинг.

3. Гуруҳлардан муҳокамалар ўтказишни, иш варақасидаги топшириқни бажаришларини сўранг ва уларни флипчартларда ёзиб қўйинг(30 дақиқа).

4. Гуруҳ ишини тақдимот қилиш учун "қўшимчалар" усулини ишлатинг: тақдимот учун бирон бир гуруҳни таклиф қилинг, уни эшитгач, 5 дақиқадан сўнг бошқа гуруҳ тақдимотчисига мурожаат қилинг. Бироқ, у аввалги маърузачи таъкидлаган масалаларни такрорлай олмайди. Яна 5 дақиқадан сўнг, ўз гуруҳининг ишларини тақдимот этишни сўраб кейинги гуруҳга мурожаат этинг. Бунда спикер илгари бошқа гуруҳлар томонидан айтилган жиҳатларни такрорламаслиги керак. Барча гуруҳлар муҳокамада юзага келган барча такрорланмайдиган жиҳатларни айтиб кўрмагунча, жараёни давом эттиринг. (20 дақиқа)

5. Барча гуруҳлар иштирокида, кейинги саҳифадаги жадвалдан фойдаланиб, мутахассисликка кириш вақтида гендер номуносивблигининг асосий натижаларини умумлаштиринг.

Мутахассисликка кириш дастурларидаги гендерга оид нотўғри тушунчалар

Кўпгина жараёнлар мутахассисликка кириш фанлари дастурининг гендер сезгирлигини камайтириш, шунингдек гендер тенгсизлигини ошириши мумкин. Масалан:

- Хотин-қиз ўқитувчиларга мактабдан кейин ишга кўп вақт сарфлай олмасликлари (уйга бориш, болалари ва оила аъзоларига –ғамхўрлик қилиш, озиқ-овқат дўконида харид қилиш, оила аъзолари учун таом тайёрлаш ва ҳоказо.) сабабли камроқ кўрсатма ва вазифалар берилади.

- Янги ишга келган эркаклар учун кўпроқ мураббийлик ва методистлик каби вазифаларни беришади, чунки улар математика, табиий фанлар каби "мураккаб" фанларни ўргата оладилар деб ҳисобланади ва айни пайтда аёл ўқитувчилар "енгил, осон ўзлаштириладиган фанларни ўргатишга қобилиятлироқдирлар" деган қараш мавжуд.

- Мактабларда ёш ўқитувчилар учун педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича маслаҳатлар берадиган, иш тажрибасини ўргатадиган

ёши катта ва тажрибали ўқитувчилар этарли эмас, шунинг учун мактаб раҳбарияти бу жараёнда фақат ёрдамга ва маслаҳатга муҳтожларга эътибор беради. Баъзи ҳолларда бу аёл ўқитувчилар ёки эркак ўқитувчилар бўлиши мумкин. Аммо ёш ўқитувчиларнинг барчаси бундай методик қўллаб-қувватлаш жараёнларига қамраб олинмайди.

Тажрибали ўқитувчилар ёки мактаб раҳбарлари ёш ўқитувчиларга методик ёрдам ёки иш тажрибасини ўргатиш борасида тушунтириш, тавсиялар бериш жараёнида ўзлари англамаган ҳолда гендер стереотипларга урғу берадилар (масалан, аёл ўқитувчиларга дарсдан кейин ушлаб қолиб методик консультациялар ташкил этиб бўлмайди, улар тезроқ уйга бориб оиласи, болаларига ғамхўрлик қилиши керак, турмуш ўртоғлари ҳақида қайғуришлари керак, баъзи аёл ўқитувчилар фарзанд кутаётганлиги сабабли мактабнинг қўшимча ишларига вақт сарфлай олмайди, эркак ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш керак, чунки улар «оғир» фанларни ўқийди, ва шу кабилар).

Мактаб раҳбарлари ёш ўқитувчилар учун зарур бўлган методик ёрдам ва кўрсатмаларнинг берилишига унчалик аҳамият бермайдилар ва шароити ва жинсидан қатъий назар барча ёш ўқитувчиларга смарали методик ёрдам кўрсатишнинг муқобил шакллари изламайдилар.

Аёллар ўқитувчиларда касбий карьерасини бошлашидан аввал фаолияти жараёнида учраши мумкин бўлган гендер тўсиқларни тушуниш тўғрисидаги маълумотлари етарли эмас.

6. Мутахассисликка кириш дастурлари мазмунида гендер масалалар эътиборга олинмас экан у ёш ўқитувчилар учун фойдали бўлолмайди.

Бундан ташқари, аёл ва эркак ўқитувчиларнинг имкониятларидаги тафовутлар хусусан, математика ва табиий фанлар соҳасида аёлларнинг имкониятларини табақалаштириш касбий фаолият жараёнида эркаклар ва аёллар карьерасида тенгсизликни юзага келтиради.

7. Гуруҳларга гендер масалалари эътиборга олинган мутахассисликка кириш дастурларини шакллантириш юзасидан ўз стратегияларини ишлаб чиқиш ва филипчартга ёзишларини таклиф қилиш. (20 дақиқа)

8. Иштирокчилардан галерея усулида бошқа гуруҳларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишишларини сўранг.

9. Гуруҳларнинг тақдиротларини хулосаланг, сўнгра куйидаги саҳифадаги жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, мутахассисликка кириш дастурларини шакллантиришда гендер масалаларининг эътиборга олиш билан боғлиқ бўлган баъзи муҳим стратегияларни умумлаштиринг: (10 дақиқа)

Мутахассисликка кириш дастурларида гендер масалаларини эътиборга олиншини таъминлаш бўйича тавсия этилган стратегик тадбирлар:

1. Барча ёш ўқитувчилар учун фаолиятининг биринчи йилида

мутахассисликка кириш дастурларининг мажбурийлигини ўрнатилган тартибда қонунчиликка киритиш.

Дастур келгуси уч йил мобайнида доимий қўллаб-қувватлаш ва устоз-шогирд тизими асосида йўналтирилади ва бунда аёл ўқитувчиларга ва қулай шарт-шароитга эга бўлмаган ҳудудлардаги ўқитувчиларга асосий эътибор қаратилади.

2. Мазкур жараёнда қатнашиш имконияти ва қулайлигини таъминлаш учун ёш ўқитувчилар билан келишган ҳолда иш графиги тузилади.

3. Янги аёл ўқитувчиларни иш жойига қулай мослашиб олишлари ва ишонч қозинишлари учун алоҳида қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Фаоллаштирувчи: иштирокчидан кейинги машғулот олдидан бутун гуруҳда ўйин машқини ўтказишни сўранг (5 дақиқа).

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

Педагоглик соҳасига кировчи мутахассислик дастурини муҳокама қилганда шуни ёдда тутинг ва иштирокчиларга ҳам эслатингки, ўқитувчилик фаолиятининг дастлабки бир неча йили унинг профессионал ҳаётидаги муҳим давр ҳисобланади. ОТМни тугатгандан сўнг, янги ўқитувчилар янги муҳитда мураккаб вазиятларни бошдан кечирадилар. Улар бир вақтнинг ўзида бир нечта малакаларни, университетда ўрганган билим, кўникмаларини қўллашлари керак бўлади. Шунингдек, улар:

- ҳатти-ҳаракати, муаммолари ёки ўзлаштиришида қийинчиликлари бўлган турли тоифадаги ўқувчилар ёки талабалардан ташкил топган синфни бошқаришлари;

- янги иш муҳити ва ҳар доим ҳам қўллаб-қувватламайдиган мураббийлий фаолиятига мослашишлари;

- фарзандларининг янги ўқитувчиси ҳақида аниқ тасаввурлар ёки фикрларга эга бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари билан мулоқот қилишлари;

- мактаб фаолияти ва дарс режалари билан тезда танишиб олишлари керак бўлади. Ушбу талаблар янги, тажрибасиз ўқитувчилар учун қийин ва мураккаб ҳисобланади.

Бошланғич касбий тайёргарлик қанчалик яхши бўлмасин, ушбу тайёргарлик ўқитувчини педогог сифатидаги дастлабки фаолиятида дуч келадиган қийинчиликларни енгиш учун етарли бўлади дейиш мақсадга мувофиқ эмас. Шундай қилиб, фаолиятга кириш босқичида мақсадли ва бевосита қўллаб-қувватлаш янги ўқитувчилар учун мавжуд қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтишларида, шунингдек ўз-ўзига ишончнинг шаклланишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, кўп мамлакатларда ўқитувчилар одатда мактабда ишлашнинг дастлабки беш йилида, мутахассисликка кириш борасидаги методик ёрдам дастурларига эга бўлмаслиги ёки мазкур дастурларнинг самарасизлиги сабабли фаолиятларини тўхтатишади.

Тақдимот учун "қўшимча тақдимот" усулидан фойдаланиш мумкин. Бу билан тақдимотга барча иштирокчиларни жалб қилишга, ҳар бир иштирокчининг фикрларини диққат билан тинглаш, такрорлашдан қочиб, вақтни тежашга эришилади.

8-машғулот: Ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларида гендер масалаларининг эътиборга олинishi

Вазифалар:

Машғулот якунида қатнашчилар:

- ишдан ёки бошқа фаолиятдан ажралмаган ҳолда малака ошириш жараёни ўқитувчиларнинг касбий ривожланишида муҳим ўрин тутишини англашади;
- ўқитувчиларнинг малака ошириш жараёнининг турли йўналишларини гендер нуқтаи назаридан таҳлил қиладилар;
- эркак ёки аёл ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда гендер масалаларининг эътиборга олинishi муҳимлигини тушуниб етишади;
- гендер масалаларини инобатга олувчи ишдан ёки бошқа фаолиятдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг малака оширишини таъминлаш борасидаги стратегияларни шакллантириб муҳокама қиладилар.

Вақт: 3 соат

Материаллар: 9, 10 ва 11 - иш варақалари; флипчартлар, қоғоз, маркер

Услублар : муҳокама, гуруҳда ишлаш ва тақдимот, умумий муҳокама.

Фаолият:

1. Иштирокчиларни машғулот мақсади ва вазифалари билан таништиринг, кейин беш дақиқада давомида гуруҳларда «ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг малака ошириш» фаолияти масаласининг муҳокамасини ўтказишларини сўранг.
2. 5 дақиқадан сўнг ҳар бир иштирокчидан ўз фикрлари билан ўртоқлашишини сўранг. Кўнгилли қатнашчини бир хил жавобларни қайтармаган ҳолда флипчартда қатнашчилардан олган маълумотларни ёзишга таклиф қилинг. *(10 дақиқа)*
3. Қатнашчиларнинг маълумотларини бирлаштиринг ва бутун фаолияти давомида касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш учун малака ошириш жараёнлари самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратинг. Бунинг учун, навбатдаги жадвалдаги ахборотдан фойдаланинг. *(15 дақиқа)*

Ўқитувчиларнинг узлуксиз малака оширишини ташкил этиш муҳимдир:

- ✓ касбий билим ва кўникмаларнинг ривожланиб бориши ўқитувчилардан узлуксиз малакаларини ошириб боришни талаб қилади.
- ✓ ишдан ажралмаган ҳолда малака ошириш дастурлари фақат назарий фанларни/модулларни билишга эътибор қаратмай, балки касбий компетенцияларни ва педагогик кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим. XXI аср ўқитувчилари самарали мулоқот қилиш, турли ижтимоий-иқтисодий қатламлар, ҳар хил тил ва этник

мансублиги бўлган, шунингдек иқтидор даражаси ва қобилиятлари турлича бўлган ўғил ва қизларни индивидуал қўллаб-қувватлашни билишлари керак. Улар таълим жараёнининг самарадорлиги ва ўқитиш натижаларининг юқорилигини таъминлашга хизмат қилувчи таълим технологияларидан фойдаланишни билишлари зарур.

✓ узлуксиз малака ошириш ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш уларга ХХІ аср талабларини, таҳлилий фикрлаш, муаммоларни ечиш, мослашиш, ижодий фикрлаш, коммуникация ва гуруҳда ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, ушбу кўникмаларини ўқувчиларда ҳам ҳосил қилиш имкониятини таъминлайди.

✓ узлуксиз малака ошириш ўқитувчиларни малакасини оширишнинг кенг фаолият доирасини ўзига жамлайди: илмий тадқиқотлар, қисқа муддатли семинарлар, маҳорат дарслари, ҳамкорликдаги лойиҳалар, тажриба алмашиш, Усто-шогирд тизими каби турли машғулотларни ташкил этиш.

✓ узлуксиз малака ошириш гендер тўсиқларсиз, замонавий таълимни қўллаб-қувватлайдиган ва муассасада кучли маданият мавжуд бўлган тақдирдагина самарали бўлади.

4. Иштирокчиларни тўртта гуруҳга бирлаштиринг ва малака ошириш дастурлари мазмунида гендер масалаларини ёритилишини таҳлил қилишни топширинг.

5. 1 ва 2-гуруҳларга 9-ишчи варақасини, 3 ва 4-гуруҳларга 10-ишчи варақасини такдим этинг. Иштирокчилардан малака ошириш дастурининг мазмуни (9-ишчи варақа) ва ташкил этишдаги (10-ишчи варақа) гендер тўсиқларини баҳолаш буйича иш варақаларида такдим этилган топшириқларни бажаришни илтимос қилинг. Топшириқни бажариш учун 15 дақиқа беринг.

6. Гуруҳлар ишидан сўнг такдимот ўтказилишини таъминланг. Дастурнинг «мазмуни» бўйича такдимотни бошлаш учун битта гуруҳни таклиф қилинг, 4 дақиқадан кейин иккинчи гуруҳдан такдимотни давом эттиришни илтимос қилинг. Иккинчи гуруҳ вакили умумий жиҳатларни кайтармаган ҳолда биринчи гуруҳ томонидан айтиб ўтилмаган масалаларни ёритиб бериши керак. Охирида биринчи гуруҳ томонидан қўшимча маълумотлар киритиш истаги бор ёки йўқлигини сўрайсиз. Қолган гуруҳларнинг такдимотини ҳам худди шу усулдан фойдаланинг.

7. Малака ошириш дастурлари «мазмуни»даги гендер тўсиқлари бўйича асосий тушунчаларни бутун гуруҳ иштирокида умумлаштиринг.

**Ўқитувчилар малакасини ошириш дастурлари мазмунидаги
гендер тўсиқлар:**

✓ дастурларнинг мазмунида кўпинча ўқитувчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмаган

✓ ўқув жараёнида, одатда, назарий масалаларга кўп эътибор қаратилган, тренинглар ўтказилишига кам эътибор қаратилган. Натижада мазкур дастурлар ҳар доим ҳам ўқитувчиларда педагогик амалиётларига

янги билимларни татбиқ этиш имкониятини таъминламайди.

✓ малака ошириш дастурларида гендер масаласини куйидаги ҳолатларда эътибордан четда қолади:

- малака ошириш дастурларининг мазмунида кўпинча гендер муаммолари ёритилмайди;

- гендер масалаларини ёритишда мазмун фақат назарий жиҳатдан ёритилади, маълумотлар педагогик амалиёт билан боғламайди. Масалан, таълим методлари бўйича малака ошириш курслари ўқитувчиларни қизлар ва ўғил болалар орасидаги психологик фарқлар, ўғил ва қизларни ўқитиш усули ва шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олиш учун ўз таълим методларини қандай мослаштириш ҳақида тавсиялар бермайди;

- натижада уларнинг таълим бериш усуллари гендер ёндошувларни эътиборга олмайди ва тўсиқларни юзага келтиради;

✓ мактаб раҳбариятини гендер тўсиқлари сабабли кўпроқ эркак ўқитувчилар тренингларда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар, бошқа ўқитувчилар баъзан турли малака ошириш курслари, семинарларда иштирок эта оладилар ёки умуман иштрок этмайдилар.

✓ ҳомий ташкилотлар томонидан аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги ўқитувчиларни малакасини ошириш дастурларини маблағ билан таъминланиши очиклиги кўрсатилади.

✓ малака ошириш курслари, семинарларда иштирок этиш учун мактаб маъмурияти кўпроқ фаол, нутқ маданиятига эга ва ўзига ишонган ўқитувчилардан саралаб оладилар. Булар, асосан, эркаклардир. Аёл ўқитувчилар эса гендер меъёрлар таъсири остида бўлиб, ўз номзодини кўрсатиш учун журъатсиз, уй ва оила ишлари билан банд деб ҳисобланадилар.

✓ малака ошириш дастурларида иштирок этиш баъзан рағбатлантириш сифатида қабул қилинади. Баъзан, бундай дастурларда иштирок этиш кам аёлларга насиб этади.

✓ мураббийларлар орасида ҳам аёл ва эркаклар сони тенг эмас.

✓ узоқ жойлардан келган ўқитувчиларнинг транспорт ҳаражатлари қопланмайди.

✓ ОТМларидаги қисқа муддатли малака ошириш ўқув дастурлари кўпроқ таътиллار даврида ташкил қилинади, бу билан фарзандлари таътилга чиққан аёл ўқитувчиларнинг дастурда иштирок этиш имкониятлари чекланади.

✓ малака ошириш дастурларини тақдим этиш ва ташкил қилишда касбий эҳтиёж ва шахсий шароитлар етарлича эътиборга олинмайди. Кўп аёллар оилавий шароити ва курслар графиклари тўғри келмаётгани учун қийналишади.

✓ мактаб базасида ташкил қилинган малака ошириш бўйича машғулотлар гендер масалаларини, педагогик инновацияларни тўлиқ қамраб олган дастурлар асосида ташкил этилмаётганлиги сабабли ҳар доим ҳам ўқитувчиларнинг қизиқишини уйғота олмайди ва иштирок этишга жалб қилолмайди.

9. Тўртта гуруҳ ташкил қилинг ва иштирокчиларга гендер нуқтаи назаридан малака ошириш дастурининг «педагогикаси» ва «мактаб шароити ва қўллаб-қувватлаш тизими»га баҳо беришларини тушунтиринг.

10. Гуруҳ аъзоларидан ишдан ажралмаган ҳолда ўтадиган ўқув дастурларда ишлатиладиган (11-ишчи варақа) «педагогика»даги гендер тўсиқларни ва «мактаб шароити ва қўллаб-қувватлаш тизими»ни (12- ишчи варақа) баҳолаш бўйича варақаларда келтирилган вазифани бажаришни илтимос қилинг.

11. 15 дақиқадан кейин иштирокчиларни ҳамкасбларини натижаларини ўрганиш ва бошқа гуруҳлар иш олиб борган йўналиш бўйича расмий тақдиротлар билан таништиришни илтимос қилинг.

12. Кейинги саҳифадаги жадвалда кўрсатилгандек, гендер тўсиқларни турли кўринишларига аҳамиятни жалб қилиб, ушбу икки мавзу бўйича муҳокама натижасини олиб боринг (15 дақиқа).

Мактаб маданияти ва ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш дастуридаги гендер тўсиқлар

✓ Ишдан ажралмаган ҳолдаги таълим дастурларида ўқитувчига йўналтирилган, янги билимлар ва кўникмалар билан таъминлашда самара бермайдиган узоқ вақтلى маърузалар ўқиш усули кенг тарқалган.

✓ Тренерлар-ўқитувчилар иш жойида, мактабда, оиласида кўп йиллар мобайнида шакллланган шахсий гендер тасаввурларига асосланишади ва бу қуйидаги гендер тўсиқларни кучайтиради:

○ авваламбор, улар фаол иштирокчиларни чақиришади, одатда, булар эркаклар бўлади;

○ тренерлар томонидан ҳар доим ҳам аёлларнинг қўллаб-қувватланмаслиги уларни ўзларини лаёқатсиз ҳис қилишига, камситилишига, истакларининг сўнишига олиб келади.

○ тренерлар ўқувчиларга йўналтирилган, барча иштирокчиларни фаол бўлишига қаратилган, яхши ва ёмон жавоблар устида ўрганиш методикасини илғор суриш ўрнига, аёллар томонидан қилинган хатоларга кўпроқ аҳамият беришади;

○ аёл иштирокчиларга қўшимча рағбатлантириш ёки ўз нуқтаи назарини билдириш имкониятлари берилмайди, шунинг учун улар фаол бўлиш ўрнига хавфсизлик ҳолатига ўтишади.

✓ малака ошириш дастурлари мобайнида фойдаланадиган методлар гендер сезувчанлик ғоясини ёритмайди. Демак, ўқитувчилар ўз гендер дунёқарашларини ўзгартиришга ва семинарларга қатнашгандан кейин гендер аспектларини ҳисобга олган таълим методларини таъминлай ололмайдилар.

✓ ишдан ажралмаган ҳолда таълим олиш кўпинча уларнинг ўқитиш методларини яхшиланишига олиб келмайди ёки талабаларни ўқитишдаги самарасини оширмайди. Баъзи ҳолларда мактаб маъмурияти ўқитувчиларга янги методлар ва кўникмалардан фойдаланишга йўл қўймайди, чунки бу белгиланган дарс режаларидан четга чиқишга олиб

келади. Бундан ташқари, малака ошириш мобайнида ўзлаштирилган билим ва кўникмалардан фойдаланиш мониторинги етарли эмас.

✓ мактаб раҳбарияти аёл ёки эркак бўлишидан қатъий назар, аёл жинсига мансуб ўқитувчиларни уларни ўта пассивлиги, мажбуриятларига кирмайдиган ишларни бажаришга қодир эмаслиги учун танқид қилади, бунда аёл ўқитувчиларни оиладаги вазифалари ҳисобга олинмайди.

✓ бундан ташқари, мактабдаги ёзилмаган одоб-ахлоқ қоидалари аёл ўқитувчиларни ўз фикрларини намоён этиш, шижоатли бўлиш ёки гендер ноҳақликка қаршилик кўрсатишдан ўзларини тийишга ундайди. Эркакларга нисбатан бу қоида қўлланилмайди, эркаклар ўз фикрини билдирса, бу табиийдек кўринадиган ва ҳурматга сазовор бўлади.

✓ ўқувчиларнинг хулқ-атвори, таълим беришдаги машаққатлар, тил муаммолари, соғлиғи ёмон бўлганлиги сабабли ишга келолмаслиги, оилавий можаролар, моддий етишмовчилик ва ҳ.к.каби) мактабда муаммоларга дуч келган ўқитувчиларга нисбатан мактаб раҳбарияти ва ҳамкасблари томонидан етарли ёрдам берилмайди. Бу нафақат аёл, балки эркак ўқитувчиларда ҳам мотивацияни сўндиради.

✓ гендер масалалари бўйича ўқув семинарлари кўпинча фақат аёллар учун семинар деб тушунилади. Натижада иштирокчилар орасида эркаклар кам бўлиб, уларнинг кўп қисми ўз гендер дунёқарашида қолади.

✓ малака ошириш машғулоти натижасида ўзлаштирилган билимларни қўлланилиши мониторинги етарли ва самарали даражада олиб борилмаслиги мазкур жараёнларга нисбатан муносабат ва қарашларни деярли ўзгартирмайди.

13. Тўртта гуруҳ тузинг ва уларга ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш дастурларини таъминлаш учун стратегиялар бўйича гендер масалаларини ҳисобга олган ҳолда тавсиялар тузиб, муҳокама қилишлари ҳақида айтинг. Стратегиялар муҳокамаси самарали бўлиши учун улар машғулотида аниқланган гендер тўсиқлари ва тренер томонидан ажратилган ўқитувчиларнинг малакасини оширишни тўрт аспекти (мазмун, ташкил этиш, малака ошириш дастурлари ва мактабдаги маданият педагогикаси) бўйича мулоҳаза юритишлари керак.

14. Бошқа гуруҳлар томонидан тақдим этилган стратегиялар билан галерея усулида танишиш керак ва изоҳга муҳтож бўлган жиҳатлар ҳақида ўйлаб кўришлари лозим.

15. Бутун гуруҳ иштирокида иштирокчилар орасида бошқа гуруҳдаги ўз ҳамкасбларининг тавсияларига оид саволлар бор ёки йўқлигини сўранг. Тегишли гуруҳдан жавоб бериш учун кўнгилли иштирокчини таклиф этинг.

16. Бутун гуруҳ иштирокида жадвалда келтирилгандек ўқитувчиларни ишдан ажралмаган ҳолда малакасини ошириш дастурларидаги гендер масалаларини ҳар томонлама ҳисобга оладиган стратегияларни аниқланг ва натижаларни хулоса қилинг.

**Ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнида
гендер тўсиқларни бартараф этиш учун тавсия қилинган стратегик
ҳаракатлар:**

1. Гендер сезувчанлиги критериясини интеграциялаш учун ўқитувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириш ва ушбу компетенциялардан узлуксиз малака оширишни ташкил қилишда асос сифатида фойдаланиш.

2. Барча ўқитувчилар учун малака оширишда иштирок этишлари учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш, хусусан аёл ўқитувчиларни малака ошириш курсларида фаол иштирок этишлари учун уларни рағбатлантириш йўллари белгилаш.

3. Малака ошириш дастурлари мазмунига гендер масалаларини киритиш ва малакасини ошириш дастурларини мунтазам равишда гендер назоратидан ўтказиш.

4. Малака ошириш машғулотларида ишлатиладиган мазмун ва услубларида гендер ёндошувларнинг ҳисобга олинишини назорат қилиш.

5. Ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш дастурларида ҳаётий кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, аёл ва қизларда ўзига ишонч ва ташқи таъсирларга барқарорликни ҳосил қилиш мақсадида ва уларнинг ижтимоий таъсирини ривожлантириш керак.

6. Мактаб раҳбариятидан малака ошириш жараёнларида ўзлаштирилган замонавий кўникмалардан, фойдаланган ҳолда, шунингдек гендер масалаларини эътиборга олган ҳолда педагогик фаолиятни ташкил этилишини қўллаб-қувватлашни талаб қилиш. Ушбу талабни компетенция тизимига киритиш.

7. Гендер масалаларини эътиборга оладиган қўллаб-қувватлаш механизминини шакллантириш:

а) аёл ўқитувчиларга фарзандларига қараш учун шароит яратишга ёрдам бериш.

б) шахсга нисбатан қилинган қўполлик, гендер таъқиб ёки адолатсизликни ҳар қандай ҳолатлари ҳақида огоҳлантириш бўйича хавфсиз механизмни яратиш.

в) аёл ўқитувчиларга нисбатан намоён этилган ҳурматсизлик, гендер коидаларини бузилиши учун тақиқларга амал қилинишини таъминлаш.

г) ўзаро тажриба алмашиш учун ҳар ойда ўтказиладиган машғулотларни ташкил қилиш.

10. Ўқитувчиларни малака ошириш дастурида иштирок этишлари ва янги билимларни қўллашларини назорат қилиш учун функционал механизминини ташкил қилиш ва барча ўқитувчиларни огоҳлантириш. Мактаб раҳбари ушбу механизмни бошқариб унинг бажарилишига жавобгар бўлиши керак.

3-модул юзасидан саволлар ва жавоблар:

Авваламбор, барча иштирокчиларга ушбу модуль устида иш олиб борганлари учун миннатдорчилик билдиринг. Сўнг иштирокчилардан модуль билан боғлиқ саволлар бор ёки йўқлигини сўранг, тўпланган маълумотларга асосланинг.

Фаоллаштирувчи: иштирокчилардан ўйин машқини ўтказишни илтимос қилинг (5 дақиқа).

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

➤ тренер гуруҳлар муҳокамаси усулини машғулотнинг бошланишида ишлатиши мумкин. Гуруҳлар муҳокамаси одатда бир неча дақиқа давом этади, бу иштирокчиларнинг диққатини мавзуга қаратиш, уларга бошланғич ғояни бериб, илҳомлантириш ёки шу билимларга таяниш имконини беради. У ҳар бир иштирокчини жалб қилади.

➤ тренерлар шароитга қараб ҳаммага маъқул вақтда тақдимот вақтини кўпайтириш ёки қисқартириши мумкин. Вақтни қисқартириш керак бўлганда расмлар (галерея) тақдимотидан фойдаланиши мумкин. Агар захирада яна вақт бўлса, анъанавий тақдимот методларидан фойдаланинг, бунда ҳар бир гуруҳ ўзининг тақдимотини кўрсатади. Навбатма-навбат ҳар бир гуруҳ ўз иши тақдимотини бир савол бўйича бажарса, сўзга чиқувчилардан олдинги айтиб ўтилган фикрларни қайтармаслигини огохлантиринг. Бу метод барча қатнашчиларга тақдимотни диққат билан эшитиш имконини беради.

➤ қатнашувчиларга ўқитувчиларни тайёрлашда гендер ёндошув бўйича ўтказилган семинарларнинг ва асосан гендер масалаларини эътиборга олувчи, ўқитувчилар малакасини ошириш дастурини афзаллигини тушунтириш керак. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчилар фаолиятини яхшилашга қаратилган. Баъзан гендер саволлари бўйича семинарлар аёллар ҳақида ва аёллар учун деган нотўғри қарашлар ҳам шаклланган. Бундай ёндошув курсларнинг самарадорлигини пасайтиради, чунки гендер ҳақида эркаклар ва аёлларнинг дунёқарашини тенгдек шакллантиришни таъминлаш зарур.

➤ таълимдаги инновацион жараёнлар ва ўзгаришлар ўқитувчиларга малака ошириш курсларини кутмасликни ўргатади. Замонавий таълим шароитларида улардан мустақил ўз-ўзини касбий ва шахсий ривожлантириш орқали касбий маҳоратини ошириши талаб этилади. Шунинг учун, ўқитувчилар мактаб базасидаги машғулотларда ташаббускор бўлиши керак, раҳбарият эса бу соҳада ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаши зарур. Бундай машғулотлар, семинарлар гендер ёндошувни инобатга олган ҳолда ташкиллаштирилиши ва ўтказилиши керак.

➤ кўплаб ўқитувчилар дидактик материалларини ҳамкасбларидан ўрганган ва Интернет тармоқларидан излаб топган маълумотлари асосида тайёрлайдилар. Шу тариқа улар ўзларидаги таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш, ўз касб маҳоратини мустақил ривожлантириш каби кўникмаларини талабаларига ўргатадилар. Мазкур босқичларнинг барчасида ўқитувчилар учун зарур бўладиган гендер бўйича маълумот ва тушунчаларни бериш мақсадга мувофиқ.

4-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ

**9-машғулот: Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалалари
эътиборга олинган тадқиқотларнинг аҳамияти**

Вазифалар:

Қатнашчилар машғулотнинг сўнгида:

- ўқитувчиларни тайёрлаш борасида олиб бориладиган тадқиқотларнинг муҳимлиги тўғрисидаги тушунчаларини ошириш.
- мактаб ва педагогика олий таълим муассасаларида олиб бориладиган тадқиқотларда гендер масалаларининг интеграцияси ҳақида кўпроқ ўрганадилар.

Вақт: 2 соат

Материаллар: флипчартлар, маркерлар, стикерлар

Методлар: гуруҳлараро муҳокама, презентация, муҳокама

Фаолият:

1. Машғулотни бошланг, ўқитувчилар тайёрлаш соҳасидаги тадқиқотлар бўйича қатнашчиларнинг фикрларини ўрганиш учун куйидаги саволлар орқали муҳокама ўтказинг. Ҳар бир гуруҳдан 2 ёки 3 та жавоб олинг (10 дақиқа).

– Ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида тадқиқотларнинг ўрнини муҳим деб ҳисоблайсизми? Нима учун?

– Ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасидаги тадқиқотларда гендер масалалари эътиборга олинадими? Қандай қилиб?

2. Жадвалда кўрсатилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, тадқиқотлар ҳақида кенг тарқалган нотўғри фикрларни ўқувчиларга тушунтиринг ва ўқитувчиларни тайёрлашда тадқиқотларнинг муҳим ролини таъкидланг.

Тадқиқотлар ҳақидаги хато тушунчалар ва ўқитувчиларни тайёрлашда тадқиқотларнинг муҳим роли

- ✓ таълим соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар фақат аниқ фанлар соҳасида бўлиши ҳақида кенг тарқалган фаразларнинг мавжудлиги
- ✓ ҳақиқат шундаки, таълимдаги кўплаб ўзгаришлар ва янгилıklar тадқиқотлар натижасида амалга оширилмоқда. Масалан, таълим методидagi янгилıklar, интерактив ўқув материаллари, таълим жараёнига АКТ жорий этиш, талабаларнинг келиб чиқиши ва эҳтиёжига қараб гуруҳларга бўлиб ўқитиш ва бошқалар тадқиқотлар натижасидир
- ✓ тадқиқотлар таълимнинг асосий мақсади бўлган талабалардаги интеллектуал салоҳиятнинг ортиши, ўқитиш натижаларининг яхшиланиши, шунингдек ўқув жараёнида инновацион методларнинг қўлланилиши билан боғлиқ замонавий қарашларнинг илмий асосланишини таъминлайди
- ✓ ўқитувчиларни тайёрлашда ҳар бир жиҳат гендер омиллар таъсирида бўлса ҳам, ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларда гендер соҳасидаги тадқиқотлар жуда кам олиб борилмоқда

✓ ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалаларига бағишланган тадқиқотларни аниқ маълумотлар билан таъминланиши гендер муаммоларининг самарали методик ечимини таъминлайдиган тадқиқот натижаларини белгилайди. Бу жараёнларнинг самарали бўлишида мактаб ўқитувчилари ва ОТМ педагог-ҳодимлари учун тенг имконият берилиши керак

✓ гендер тенгсизлик кўринишлари аниқланганда ва атрофлича ўрганилганда, бу ҳақда, яъни ўқитувчилар тайёрлаш жараёнининг барча йўналишларида, хусусан бюджетни шакллантириш, талабаларни қабул қилиш, курс мазмуни, педагогика, бошқарув, кадрлар билан таъминлаш соҳасида гендер масалаларини эътиборга олган стратегияларни ишлаб чиқиш зарурлиги хусусида таълим сиёсатини олиб боровчи шахслар хабардор этилиши керак

✓ Ўқитувчиларни тайёрлашдаги гендер тадқиқотларининг натижаларини мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларга бошқариш усуллари яхшилаш, мактаб муҳитини шакллантириш ва ўқитиш усуллари такомиллаштириш бўйича маълумот беради, ўқитувчиларнинг юриштириши ва муносабатида гендер тўсиқларни қисқартириб, талабаларнинг ютуқларини оширишга хизмат қилади.

3. Иштирокчилардан 4 та гуруҳга бўлинишини сўранг. 13-иш варақасини тарқатинг ва қатнашчиларга улар ақлий ҳужумни кичик гуруҳларда ўтказишини, шунингдек ўқитувчилар тайёрлаш соҳасидаги тадқиқотларда гендер масалаларининг эътиборга олиншини қандай қилиб таъминлаш бўйича муҳокама ўтказишларини айтинг. Бунда 1 ва 2 гуруҳларга иш варақасидаги 1-топшириқ, 3 ва 4 гуруҳларга иш варақасидаги 2-топшириқ бўйича ишлашларини тушунтиринг.

4. 30 дақиқадан сўнг улардан ўрнидан туришини сўранг ва жойларини алмаштиринг: 1 ва 2-гуруҳлар 3 ва 4-гуруҳлар натижасини ўрганади ва ўзининг маълумотини киритади. Ва аксинча, 3 ва 4-гуруҳлар 1 ва 2-гуруҳлар натижасини ўрганади ва ўзининг маълумотини киритади (20 дақиқа).

5. 20 дақиқадан сўнг, гуруҳлардан ўзларининг флипчартларини жойлаштиришни сўранг ва галерея тақдиротини ўтказинг, барча гуруҳлар охирги натижалар билан танишсин (10 дақиқа).

6. «Ўқитувчиларни касбий тайёрлаш бўйича тадқиқотлар» қисмини қуйидаги маълумотлар асосида якунланг:

Ўқитувчиларни тайёрлашдаги тадқиқотлар қандай қилиб гендер масалаларини эътиборга олади?

✓ Ўқитувчилар тайёрлашда гендер масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таълим муассасаси ва ўқитувчи – талабаларга бирдек кенг имкониятларни беради.

✓ Педагогика олий таълим муассасида фаолият юритадиган педагоглар учун илмий-тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Бир томондан, улар ўз тадқиқоти натижаларини тўғридан-тўғри бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига тадбиқ этса,

бошқа тарафдан, тадқиқотлар уларнинг илмий даражасини оширишга ёрдам беради.

✓ Кўпгина давлатларда ўқитувчилар, талабалардан ўзлари танлаган мавзулар бўйича илмий-тадқиқотларни олиб бориш, курс ёки лойиҳа ишларини ёзиш талаб этилади. Бу эса гендер соҳасидаги тадқиқотларни олиб бориш имконини беради. Тадқиқотларни ўтказишда ўқитувчи ёки талабалар гендер масалаларини ёритиш орқали ўзларининг ҳам мазкур йўналишдаги билимлари ва тасаввурларини ривожлантириб боради.

✓ Қуйидаги мавзулар ўқитувчилар тайёрлашда гендер масалалари билан боғлиқ тадқиқотларни олиб бориш учун самарали бўлиши мумкин:

- Таълимнинг аёллар ва эркекларнинг ўзаро тенгҳуқуқли муносабатларига таъсири.

- Гендер ўхшашлик ва инсоннинг карьера танлаши.

- Гендер тенгликнинг ривожланишида ўқитиш методикасининг роли.

- Илмий ва техник фанларни ўзлаштиришда аёл ва эркек талабалар ўртасидаги гендер номуттаносиблик.

- Таълим соҳасини бошқаришда гендер масалалари.

- Педагогик касбнинг феминизация тенденцияси

- Гендер тенгликнинг ривожланишида эркекларнинг роли.

- Педагогика олий таълим муассасаларида гендер тенглик ва гендер масалаларидан хабардорлик.

7. Ўқитувчиларнинг ишдан ажралмаган ҳолда узлуксиз малакасини ошириш жараёнлари билан боғлиқ тадқиқотларга нисбатан муносабатингизни билдиринг ва хулосаланг (10-дақиқа)

Ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларига гендер тадқиқотлари қандай таъсир этади

✓ тадқиқотлар ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириши учун замин яратади;

✓ ўқитиш методларини такомиллаштириш экспериментал тадқиқотлар жуда долзарб ҳисобланади. Ўқитувчилар ота-оналар, бошқа ўқитувчилар ва талабалар билан биргаликда сўровнома, қиёсий таққослаш, кузатиш методлари воситасида синфдаги тажриба тадқиқотларини ўтказишни кенгайтириши лозим.

✓ Гендер масалаларига урғу берилган тадқиқотлар мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги гендер тўғрисидаги нотўғри тасаввурларни аниқлаштиришга, қизларнинг аниқ ва табиий фанлар соҳасида, ўғил болаларни эса “қиз болалар шуғулландиган касб” деб ҳисобланган соҳалардаги касбий карераларини қўллаб-қувватлашга, гендер тўсиқлардан воз кечишга ёрдам беради.

✓ Гендер тадқиқотларни ўтказишнинг долзарб мавзулари:

- Гендер масалалари эътиборга олинган мактаб муҳити ва унинг

ота-оналар, ўқитувчиларга ёрдами

- Гендер тенгликни ривожланишида ўқитиш методикасининг ўрни
- Ўқитувчининг ишга лаёқати ва гендерга масалаларини эътиборга олган мактаб бошқаруви ўртасидаги боғлиқлик
- Гендер камситишларни ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига таъсири
- Спортда қизлар
- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикасини қизлар учун мослаштириш йўллари
- Синфда ва мактабда гендер масалалари ҳамда уларни ўқитиш ва таълим жараёнига таъсири.

Фаоллаштирувчи машқлар: кейинги дарсга тайёргарлик кўриш ва қатнашчиларни биров дам олишларига ёрдамлашиш учун иштирокчилардан ўйин машқини ўтказишини сўранг (5 дақиқа).

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

Экспериментал тадқиқотларнинг ўқитиш методларини гендер сезувчанлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлаш.

Масалан, ўқитувчилар ўқитиш методикаси ва талабаларнинг таълим олиш мотивацияси ўртасидаги алоқалар бўйича тадқиқот ишларини олиб боришлари мумкин:

– шахсга йўналтирилган интерфаол ўқитиш методларини қўллаш жараёнида ўқитувчилар талабаларнинг ўқув жараёнига жалб қилиш даражаси ва таъсирини қайд этиши мумкин;

– бундан сўнг, анъанавий ўқитиш методларини қўллаганда талабаларни ўқув жараёнига жалб қилиш даражаси ва таъсирини ўзаро таққослайди;

– ўқитувчилар талабалардан уларнинг ривожланиши ва касбий билимларни фаол ўзлаштиришида қайси методларнинг таъсири ва самараси яхшироқ эканлигини сўрайди ва шу асосда талабалардаги таълим олиш мотивациясини ошишига ёрдам берувчи ўқитиш методларининг танланиши бўйича хулоса қилиши мумкин бўлади;

– мазкур тадқиқотлар асосида ўқитувчилар ўзлаштиришда қийинчилиги бўлган, она тилидан бошқа тилда гаплашадиган, оиласи носоғлом бўлган ва бошқа тоифа ўқувчилар билан ишлашнинг ўзига хос самарали методларини танлаш тажрибасига эга бўлади.

Экспериментал тадқиқот натижаларидан фойдаланиш таълим натижасини яхшилашга олиб келади.

Иштирокчиларга шуни тушунтириш керакки, бир томондан гендер жиҳатларни эътиборга олган тадқиқотларни олиб бориш ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга таъсир қилса, иккинчи томондан муаммони самарали ечимини таъминлашга ёрдамлашади.

10-машғулот: Ўқитувчилар тайёрлашда гендер масалаларини эътиборга олган тадқиқотлар учун тамойиллар ишлаб чиқиш

Вазифалар:

Иштирокчилар машғулот охирида:

- гендер масалалари бўйича тақиқотлар олиб бориш ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиради;
- гендер масалалари билан боғлиқ бўлган тадқиқотларни ўтказишга доир тавсиялар дастурини яратади.

Вақт: 1,5 соат

Материаллар: флипчартлар, маркерлар, стикерлар.

Методлар: мустақил фикрлаш, жамоа муҳокамаси, гуруҳда ишлаш, тақдимот.

Фаолият:

1. «Гендер соҳасидаги тадқиқотлар нима учун муҳим?» саволи устида ҳар бир қатнашувчидан ўйлашини сўранг ва 2 та жавобни стикерга ёзинг (5 дақиқа).
2. Аёл ва эркекларнинг тенг иштирокини ҳисобга олган ҳолда, 4-6 та иштирокчидан фикрларини сўранг (10 дақиқа).
3. «Қандай қилиб тадқиқотчига айланиш мумкин?» саволига қатнашувчилардан ўйлаб кўришини сўранг ва 2 та жавобни стикерга ёзинг (5 дақиқа).
4. Аёл ва эркекларнинг тенг иштирокини ҳисобга олган ҳолда, 4-6 та иштирокчидан фикрларини сўранг (10 дақиқа).
5. Фикрларни умумлаштиринг ва хулосаланг.

Тадқиқотлар нима учун муҳим?

– тадқиқот натижалари таълим ва тарбия жараёнларида қанчалик кўп ишлатилса, шунчалик талабаларга таълим бериш ва ўқитиш усуллари самарали бўлади.

– тадқиқот натижалари талаба, ота-оналар, ОТМ педагог-ҳодимлари, раҳбарлар, таълим сиёсатини белгиловчи шахслар учун самарали бўлиши зарур. Чунки, айнан уларнинг тадқиқот натижаларидан хабардорлиги ўқитиш услуби ёки таълим стратегияларига ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлади.

– тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши тадқиқотлар олиб боришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Тадқиқот натижалари оммалаштирилмас экан, унинг натижадорлиги ҳам кам бўлади, жумладан гендер соҳасидаги тадқиқотлар ҳам.

– ҳозирги кунда тадқиқот натижаларини оммалаштиришда ижтимоий тармоқлар ва мобил технологиялари самарали воситалардан саналади.

Тадқиқот натижаларини оммалаштириш услублари

– таълим соҳасида қарор қабул қилувчи шахсларга, таълим муассасаси раҳбарларига мўлжалланган тадқиқот натижалари, тавсияларининг ўрнатилган меъёрларга мувофиқ расмий нашрларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши;

– гендер масалаларига бағишланган тадқиқотларни рағбатлантириш мазкур соҳадаги тадқиқотлар кўламини кенгайтиради, кўплаб тадқиқотчиларни қамраб олади;

– жамият аъзолари, ота-оналар, талабалар, ўқитувчиларга мактаб газеталари, мобиль телефонлар орқали тадқиқотлар натижалари, тавсиялари тўғрисидаги маълумотларнинг бериб борилиши гендер масалаларига нисбатан ҳаракат ва муносабатни ўзгаришига кўмаклашади;

– ўқитувчилар учун мўлжалланган таълимда гендер ёндошув масалалари бўйича семинарлар, конференциялар, тажриба алмашиш, қисқа муддатли малака ошириш курсларида мазкур йўналишдаги тадқиқот натижаларини кўрсатиш, улар ҳақида маълумотлар бериш.

6. Флипчартда натижаларнинг рўйхати ва гендер муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, берилган стратегияларни текширувчи 5 кишидан иборат янги қатнашчилар гуруҳини ташкиллаштириш (15 дақиқа).

7. 15 дақиқадан сўнг «қўшимча» усулини қўллаган ҳолда, барча гуруҳга ўз натижаларини тақдимот қилишни сўранг (10 дақиқа).

8. Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалаларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориладиган тадқиқотларнинг муҳимлигини яна бир бор иштирокчиларга таъкидланг ва тақдимотларни умумлаштириб, якунланг (10 дақиқа).

Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалалари билан боғлиқ тадқиқотларни ривожлантириш учун тавсиялар

1. Педагогика ОТМ ўқув дастурига ҳар бир талаба-ўқитувчининг дастур доирасида битта илмий тадқиқот иши олиб бориш талабини киритиш ва бунда гендер йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор бериш.

2. Гендер масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борган ОТМ ўқитувчиларини рағбатлантириш, тадқиқотларни ўтказиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, уларнинг натижаларини оммалаштириш, амалиётга жорий этиш.

3. Педагогика ОТМ ёки мактаб бюджетида гендер масалалари йўналишидаги тадқиқотларнинг ўрнини белгилаш.

4 модуль учун саволлар ва жавоблар:

Модул давомидаги фаоллиги ва фикрлари учун иштирокчиларни рағбатлантириш, савол ва таклифлари билан қизиқиб кўринг (5 дақиқа).

Фаоллаштирувчи машқлар: иштирокчилардан ўқув машқини ўтказишини илтимос қилиб кўринг ва уларни келгуси модулга таёрланг. (5 дақиқа).

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

➤ Вақтдан ютиш мақсадида тренинг давомида иштирокчиларнинг бир қисmini биринчи, иккинчи қисmini иккинчи савол юзасидан муҳокама билан шуғулланиши илтимос қилишингиз мумкин. Кейин иштирокчилар билан бирга ҳар икки саволни кўриб чиқиб, умумлаштириш мумкин.

➤ Тренинг давомида иштирокчилардан гендер масалалари борасида ўтказган тадқиқотлари тўғрисида сўраш мумкин.

5-МОДУЛЬ: ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ БЮДЖЕТ

11-машғулот: Гендер билан боғлиқ бўлган бюджет таҳлили

Вазифалар:

Машғулот якунида иштирокчилар:

- гендер ёндошув асосида бюджет намунасини таҳлил қилади;
- бюджетда пайдо бўлган гендер тўсиқлар ва қандай ҳолатда гендер тенгсизлик юзага келиши мумкинлигини англаб етади.

Вақт: 2 соат

Материаллар: ишчи варақалари 14 ва 15, флипчарт, маркер

Усуллар: гуруҳ муҳокамаси, умумий муҳокама

Фаолият:

1. Иштирокчиларни тренинг шартлари ва топшириқлар билан таништириш.
2. Иштирокчилардан машғулотга тайёрланиб, 10 дақиқа оралиғида қуйидаги саволлар юзасидан тайёрланишини сўранг:
 - а) таълим муассасасининг бюджетида гендер тўсиқлар бўлиши мумкинми?
 - б) агар бўлса, улар нималардан иборат?
3. Гуруҳлар иштирокида ҳар бир саволга 5-6 тадан жавоб олинг (5 дақиқа).
4. Иштирокчиларга бюджет таҳлилида қўлланиладиган бир неча усуллар борлигини тушунтириш (қуйидаги жадвалга қаранг). Бюджет турига қараб шу усуллар алоҳида ёки биргаликда қўлланилиши мумкин. (10 дақиқа)

Бюджетнинг гендер таҳлили усуллари

Balmori (2003); Sharp (2003)

А. Бошқарувга нисбатан:

- бюджетнинг тақсимланиши гендер тенглигига мос тушадими?
- бюджет тақсимоотидаги гендер тенгсизлигида қандай йўллар билан ресурсларнинг тақсимотини қисқартириш, сақлаш ёки кенгайтириш мумкин?

Б. Жинслар бўлинишига нисбатан:

- аёллар ва эркеклар учун қандай хизматлар ёки ресурслар тақдим этилади?
- аёллар ва эркеклар учун таклиф этилган хизматлар, манбалар уларнинг талабларини қониқтирадими?

С. Давлат ҳаражатларининг таҳлили жинс белгисига кўра ажратилган:

- бюджет манбалари аёл ва эркеклар ўртасида қай тарзда тақсимланади ва фойдаланилади?

Д. Бюджет таҳлили фойдаланилган вақтнинг таъсирига нисбатан:

- хизмат кўрсатиш ва бюджет тақсимооти ўртасидаги алоқа қай тарзда йўлга қўйилган?
- Педагогика олий таълим муассасаларининг ходимлари таълим муассасаларида вақтини қай тарзда ўтказишади?

5. Педагогика ОТМ бюджетининг гендер таҳлилини амалга оширувчи 5 та гуруҳни шакллантиринг ва 14-иш варақасини барча гуруҳга тарқатинг. Улардан варақада берилган топшириқни бажаришни ва жавобларини флипчартга ёзишни сўранг. Иштирокчилардан маълумотлар асосида гендер таҳлилини тузишни сўранг. Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, тезкор саволлар йўли билан таҳлил ўтказинг (20 дақиқа).

6. Гуруҳлардан натижаларни тақдим этишини сўранг (20 дақиқа).

7. Барча қатнашувчилар иштирокида калит сўзлар ва бюджет тақсимотидаги гендер тўсиқлар хусусидаги таҳлилларини умумлаштиринг (қуйидаги жадвалга қаранг) (10 дақиқа).

- ✓ бюджетнинг гендер нуқтаи-назаридан таҳлили муҳим ҳисобланади, бу муассаса раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган йўналиш санаади;
- ✓ Ёдда тутиш керакки, гендер тенглигига тўсиқ бўладиган кўп элементлар бюджетда билинмаслиги мумкин. Шунинг учун бюджет ва молиялаштиришнинг ҳар бир элементлари таҳлилида гендер ёндошувдан фойдаланилиши зарур.
- ✓ Бюджетнинг шаклланишида гендер ўзига хосликни ҳисобга олиш муҳим. Бу ерда гап фақат аёллар учун алоҳида бюджет ташкил қилиниши ёки аёллар дастурлари учун катта ҳаражатлар ҳақида эмас, балким ҳар икки жинс вакилларининг ҳуқуқларини адолатли таъминланиши ҳақида боради.
- ✓ Гендер масалаларини кўриб чиқувчи стратегик ҳаракатлар назарда тутилиб, умумий бюджетнинг ошиши кўзда тутилмаган. Бундай ҳолатларда мақсадли молиявий таъминотни амалга оширишнинг гендер аспектлари асосида бир неча усуллардан фойдаланиш мумкин: бюджет тармоқларининг қайта тақсимланиши, Молия вазирлигидан қўшимча маблағларни ажратиш, «Фонд» ташкил қилиш, гендер масаласини ўрганиш мақсадида хусусий секторлар, ҳомийлар ва ижтимоий ташкилотлар ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

7. Бюджет таҳлилини қайта ўтказиш учун 5 та янги гуруҳ шакллантиринг ва 15-иш варақасини иштирокчиларга тақдим этинг, шунингдек улардан кўрсатилган вазифани бажаришларини сўранг (20 дақиқа).

8. 20 дақиқа ўтгандан кейин ҳар бир гуруҳнинг саволларга биттадан жавобини сўраб, натижаларини йиғиб олинг. Гуруҳлардан навбати билан бир-бирининг ғояларини, олдинги гуруҳлар тақдим этган жавобларни такрорламаган ҳолда жавоб беришини сўранг. Барча гуруҳлар биринчи саволга жавоб бериб бўлмагунича жараёни давом эттиринг. Шу жараёни иккинчи савол учун ҳам такрорланг (20 дақиқа).

9. Тренинг жараёнида ишлатилган калит сўзларни умумлаштиринг, бюджет тақсимоотида гендер масалаларига алоҳида эътибор қаратиш бўйича умумий хулосаларни шакллантиринг (20 дақиқа). Қуйидаги жадвалга қаранг:

- ✓ Гендер иерархиясини ташкилий жиҳатдан бюджет ва ҳаражатга, аёл ва эркак ўртасидаги меҳнатнинг бўлинишига қандай таъсир қилади. Бу эса улар ўртасидаги тенгсизликка ва бўлинишга олиб келиши мумкин. Масалан, аёллар одатда етарли даражада мукофотланмайдиган ёки умуман ҳақ тўланмайдиган (талабаларга маслаҳат ёки тиббиёт хизматларини кўрсатиш ва шунга ўхшаш) мансабни эгаллашади. Кўпинча уларнинг фаолиятини чегаралаб қўйишади, раҳбарлик лавозимлари, мансабларга қўйишмайди. Аёллар кўпроқ эркаклар билан солиштирганда ташвиқот фаолияти учун манбалардан, малака ошириш курсларида иштирок этишдан воз кечишади. Бундай иерархиялар бюджетдаги гендер муносабатларини тенгсизланишида кўринади.
- ✓ Бюджетни тақсимлаш таҳлилига қўшимча қилиш лозимки, гендер тўсиғини аниқлашда ҳаражатни таҳлил қилиш муҳим саналади.

Фаоллаштирувчи машқлар: иштирокчилар бир оз энергия тўплаб кейинги машғулотга тайёрланишлари учун машқларни ўйин тарзида ўтказинг (5 дақиқа).

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

- гендер таҳлилига оид трактатма керакли нусхада кўпайтиринг ва машқлар устида ишлаш бошланганда иштирокчиларга тарқатинг
- ушбу бюджет тақсимоотини гендер ёндошув нуктаи-назаридан таҳлил этиш учун муассасанинг авалги йилда тасдиқланган бюджетидан нусха олиниши зарурлигини иштирокчиларга олдиндан тушунтиринг.

12-машғулот: Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер масалаларини эътиборга олувчи бюджетни шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш

Вазифалар:

Машғулотнинг якунида иштирокчилар:

- ўқитувчилар тайёрлашда гендер масалаларини эътиборга олувчи бюджет ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўладилар;
- гендер масалаларини ҳисобга олиб, бюджетни тақсимлаш бўйича стратегияларни тавсия этадилар.

Вақт: 1-3 соат

Материаллар: флипчартлар, маркерлар

Усуллар: гуруҳли иш, тақдимот, умумий муҳокама

Фаолият:

1. Тренингни мақсад ва вазифаларни тушунтиришдан бошланг.
2. Муҳокамани гуруҳга савол беришдан бошланг: “Нима учун бюджетда гендер масалалари муҳим ҳисобланади?” (5 дақиқа).
3. Саволларга ҳар бир гуруҳдан 5-6 та жавоб олинг (5 дақиқа).
4. Иштирокчилардан аввалги машғулотлар ва модулларда тавсия қилинган стратегияларни қайта ўрганишини ва таҳлил қилишини сўранг. Уларда гендер нуқтаи-назаридан бюджет тақсимоти ҳақида фикрлар, тавсиялар мавжудми ёки аксинча эканлигига алоҳида эътибор беришларини сўранг (10 дақиқа)
5. Бюджетни таъминлаш ва ўқитувчиларни тайёрлашда гендер аспектларини ҳисобга олиш бўйича маълумотларни умумлаштириш (5 дақиқа).

- ✓ бюджет гендер иерархиясини акс эттириши мумкин. Бюджет, гендер аспектларини ҳисобга олмаса тенгсизлик ва гендер тўсиқлар давом этиши мумкин.
- ✓ кўплаб стратегик ҳаракатлар бюджет ихтисослигини амалга оширишни талаб этмайди. Масалан, гендер тенглигини олдинга суриш учун қонуний мустаҳкам меъёрлар, эркак ва аёлларнинг эътиборли мансабларда тенг намоён бўлиши, гендер аспектларини ҳисобга олиб мактаб базасида малака ошириш фаолиятини ташкиллаштириш ва ҳ.к.
- ✓ бюджетнинг гендер сезувчанлиги биринчи ва аҳамиятли босқич ҳисобланади. Раҳбарлар, таълим сиёсатини белгиловчи шахслар бюджетда қандай тажрибалар амалга оширилишини, у режага асосан сарф қилиняптими, аёллар ва эркаклар ўртасидаги мувозанат нисбатини тўғри келиши, қўлланилаётган таъсирларнинг самарадорлиги бўйича доимий мониторинг ўтказишлари керак.

6. Ўқитувчиларни тайёрлашда гендер жиҳатларни ҳисобга олиб, тавсия қилинган тамойилларни гендер ёндошув асосидаги бюджетни таъминлаш масаласини муҳокама қилиш учун 5 та гуруҳ шакллантиринг. Улардан тавсия қилинган тамойилларни флипчартга ёзишларини сўранг (20 дақиқа).

7. Гуруҳ натижаларининг тақдимоти учун ҳар бир гуруҳ расмий ёки анъанавий усуллардан фойдаланиши тавсия этилади (20 дақиқа).

Қуйидаги жадвалга қаранг:

Гендер масалаларини ҳисобга олган ҳолда бюджетни шакллантиришга оид тамойиллар

1. Барча педагогика ОТМ ва мактабларда бюджетнинг гендер таҳлилини ўтказиш зарур.
2. Бюджет тақсимотидаги гендер тенгсизликлар аниқланганса мазкур муассасалар ўзининг бюджет тақсимотига тузатиш киритиши, унинг меъёрларга мослигини таъминлаши керак.
3. Гендер масалаларини ҳисобга олган ҳолда бюджетни шакллантириш ва тақсимлаш учун педагогика ОТМ ва мактаб раҳбарияти жавобгарлигини ошириш.
4. ОТМлари ва мактаб раҳбарлари учун “Гендер масалаларини ҳисобга олган ҳолда бюджетни шаклланиш” йўналишидаги ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва хизмат мажбуриятларидаги малака талабларини киритиш, мазкур мезон асосида баҳолаш.

5. Модуль учун савол ва жавоблар:

Гуруҳга тренинг жараёнидаги иштироки учун миннатдорчилик билдиринг. Иштирокчилардан аниқлик киритишлари учун саволлари бўлса сўранг. Тренер ва кўнгилли иштирокчилар саволларга жавоб берадилар (10 дақиқа).

ТРЕНЕРГА ЭСЛАТМА:

- гендер тўсиқлар кўплаб босқичларда мавжуд бўлганлиги сабабли уларни бартараф этиш учун келишилган ва тизимли ҳаракат қилиш талаб этилади. Кўп йиллардан буён мавжуд гендер масалаларни бир марталик чоратадбирлар бартараф эта олмайди. Бу жараёнга эркаклар ва аёлларни жалб қилиш муҳим, чунки бу ҳар иккала жинснинг ҳам мажбурияти.
- гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда бюджетни шакллантириш ва мунтазам мониторингини ўтказиш гендер тенглигининг ривожланишидаги зарурий шартлардандир.
- барча соҳаларда бўлгани каби, гендер соҳасидаги ўзгаришлар учун аввало, инсонлар мазкур масалалар бўйича фикрларини ўзгартиришга тайёр бўлишлари керак.

1-МОДУЛЬ: 1-Иш варақаси

ЖИНС ВА ГЕНДЕР ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ФАРҚЛАРИ

Ишлар:

Қуйидаги маълумотларни ўқинг. Жуфтликда ишланг ва тегишли жойга гендер хусусиятлар ва ҳатти-ҳаракатларни кўрсатадиган фикрларни белгиланг ҳамда нима учун бу ҳақда шундай ўйлаганингизни тушунтириб беринг:

1. Аёллар фарзанд дунёга келтира олади, эркеклар эса йўқ. _____
2. Фарзанд тарбияси аёлларнинг масъулиятидир, чунки улар болаларни парвариш қила олишади. _____
3. Аёллар эмоционал, эркеклар рационалдир. _____
4. Эркеклар мўйлов қўйишади. _____
5. Аёллар оғир юкларни кўтара олмайди. _____
6. Аёллар кечаси уйдан ташқарида ишлашдан қўрқишади. _____
7. Кўпчилик аёллар узун сочли, эркекларнинг сочлари калта. _____
8. Эркекларнинг овози балоғат ёшида ўзгаради, аёлларники эса йўқ. _____
9. Кўп олимлар эркеклардир. _____
10. Таом тайёрлаш табиий равишда аёллар зиммасига тушади. _____

1-МОДУЛЬ: 2-Иш варақаси

ГЕНДЕР ТЕНГСИЗЛИК – ИЖТИМОЙ НАМОЁН БЎЛИШ

Қуйидаги маълумотлар ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида учрайдиган ҳатти-ҳаракатларни акс эттиради:

1. Эркак ўқитувчилар математика ва табиий фанларни яхши ўқитадилар. _____
2. Аёл ўқитувчилар фарзанд кўради _____
3. Аёл ўқитувчилар туғруқ таътили сабабли мактаб ишларини сусайтирадилар. _____
4. Эркак раҳбарлар қатъий ва ишончли бўлади _____
5. Аёл ўқитувчилар тренинг давомида камдан-кам гапиришади _____
6. Мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич таълим аёл ўқитувчилар учун кўпроқ мос келади _____
7. Аёл ўқитувчилар адабиёт ва тарихни ўргатиш қобилиятига эга _____
8. Эркак ўқитувчилар ўқувчиларнинг спорт фаолиятини мувофиқлаштиришлари керак _____
9. Аёл ўқитувчилар меҳнат таълими машғулотида ёки дарсларини ўтказиш учун масъул бўлиши керак _____

10. Ўқитувчилар қиз бола ўқувчиларга педагогика ОТМга ўқишга киришларини таклиф қилишади, чунки уларнингота-оналар ҳам шунини хоҳлашади.

Вазифалар:

- 1) иштирокчилар мустақил равишда юқорида келтирилган саволларга жавобларни ўқиб чиқадилар. Маълумотларнинг қайси бири жинс ва қайси бири гендер тушунчасини ифодалашини белгилайди.
- 2) Гуруҳдаги иштирокчилар гуруҳнинг бошқа аъзолари билан нима учун шундай деб ўйлашларини муҳокама қилишади.
- 3) Кейин ҳар бир иштирокчи ўз тажрибаси билан алмашади.

2-МОДУЛЬ: 3-Иш варақаси

ГЕНДЕР ХАТАР ВА ТЎСИҚЛАРИНИНГ ТУРЛИ КЎРИНИШЛАРИ

1. Гуруҳ иштирокчилари қуйидаги даражада пайдо бўладиган гендер хатар ва тўсиқларни аниқлаш бўйича ақлий ҳужум ўтказишади ва шу масалани муҳокама қилишади:

А. Бир инсон доирасида

Б. Оилада

В. Мактабда

Г. Педагогика ОТМда

Е. Жамиятда

2. Флипчартга гуруҳ муҳокамасининг натижаларини ёзинг.

Баъзи тезкор масалалар қуйидагилардир:

1. Аёл номзодларга қўйиладиган талаблар педагогика ОТМ ўқишга киришни қийинлаштирадими?

2. Эркаклар ва аёлларни тенгдек педагогик тайёргарликка жалб қилишнинг чоралари борми?

3. Педагогика ОТМни тамомлаганидан сўнг қизларнинг ўз жамоаларига (ўрта мактабларга) ишга қайтиши учун уларни рағбатлантиришнинг қандайдир чоралари мавжудми?

4. Мактаб ўқув режалари ва дарсликларида қизлар ва ўғил болалар тенг тасвирланадими, улар гендер стереотипларидан озод бўладими?

5. Ўқитувчи машғулотларида ўғил ва қиз бола ўқувчиларни самарали ўқитишга қаратилган гендер-сезгирли услубларидан фойдаланадими?

6. Қизларнинг ТТДМ (табiiй фанлар, технология, дизайн ва математика) соҳасида фаол иштирокини таъминланиш учун алоҳида ёндошувлар қўлланиладими?

7. Ота-оналар ва жамоа аъзолари ўртасида эркаклар ва аёллар учун ўқитувчилик касби аҳамиятини тушунтириш бўйича қандай ишлар олиб борилади?

8. Умумий гендер тенглигини англаши учун ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида гендер масалалари ҳақида модуллар, чора-тадбирлар мавжудми?

2-МОДУЛЬ: 4-Иш варақаси

Педагогика ОТМлари ўқув дастурининг гендер жиҳатидан таҳлили

Педагогика ОТМнинг ўқув дастури тўғрисида ўйлаб кўринг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Педагогика ОТМги ўқув режалари, дарслик ва ўқув материалларида эркак ва аёлларнинг ғоя ва образларида фарқ борлигини кўрганмисиз? Бу фарқлар қандай? Кимнинг фойдасига?
2. Мактабгача таълим дастурларида гендер концепцияси ва жинсга сезгир педагогика бўйича махсус модуллар мавжудми?
3. Педагогика ОТМнинг ўқув режаларида гендер тўсиқлар мавжудлиги текширилганми?
4. Дарслик ва ўқув материалларида гендер тўсиқларнинг мавжудлиги синовдан ўтказиладими?
5. Педагогика ОТМлари ўқув дастурларида аёлларнинг роли, таъсири мавжудми?
6. Ўқув дастурлари талабаларга мактабда ўқиётган қиз ва ўғил болаларнинг билим ва кўникмаларини қандай ривожлантириш ҳақида маълумот берадими?
7. Қандай омиллар қиз ва ўғил болаларнинг келажакдаги таълим ва карьера ҳақидаги қарорларига таъсир қилади?

2-МОДУЛЬ: 5-Иш варақаси

Педагогика ОТМда гендер сезгирлик амалиётининг таҳлили

1. 20 дақиқа мобайнида иштирокчилар гуруҳларда педагогика ОТМ ўқитувчилари билан боғлиқ гендер сезгирлик масалаларини таҳлил қилишади.

Қуйидаги масалаларни муҳокама қилиб жавоб беришади. Жавоблар флипчартга ёзилади:

а) аёл ўқитувчилар ҳудди шу лавозимларда ишлайдиган эркак ўқитувчилар билан бир хил иш ҳақи олишадими?

б) эркаклар ва аёлларнинг манфаатлари тенг имкониятлими (масалан, малака ошириш дастурларида иштирок этиш, масъулиятли лавозимларга тайинланиш)?

в) одатда жамоа тadbирларида эркак ўқитувчилар илғорми ёки аёл? Нима учун?

г) аёл ўқитувчиларнинг стратегик режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш учун имкониятлар яратиладими?

д) қанча фоиз аёл ўқитувчилар қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этади?

е) “д” қисмга мувофиқ уларнинг иштироки даражаси сабаблари нимада?

ж) эркак ва аёл ходимлар педагогика ОТМда гендер муносабатларини қандай баҳолайдилар?

з) педагогика ОТМ ўқитувчисининг эркак ва аёл талабаларга муносабатида фарқлар мавжудми?

и) педагогика ОТМ ўқитувчиларининг гендер масалаларига муносабати қандай? У нимани кўрсатмоқда?

к) педагогика ОТМ ўқитувчиларининг хулқ-атвор қоидалари билан гендер масалалари ўртасида боғлиқлик борми ёки аксинча?

Юқорида келтирилган 10 саволга жавоб бериш учун, гуруҳнинг эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик мақоми тўғрисидаги фикрлари қандай? Вақт билан ўзгарадими? Агар шундай бўлса, қандай даражада?

2-МОДУЛЬ: 6-Иш варақаси

I. Педагогика ОТМ бошқарув механизмларининг гендер масалаларига таъсирчанлиги

Иштирокчилар педагогика ОТМнинг институционал механизмлари бўйича гендер таҳлилини ўтказадилар ва қуйидаги саволларга жавоб топадилар. 15 дақиқагача суҳбатда давом этинг, сўнг жавобларни флипчартга ёзинг:

1. Ўқитувчи лавозимида неча аёл бор?
2. Неча нафар аёл ўқитувчи табиий фанлардан таълим беради?
3. Қанча эркак ўқитувчи гуманитар фанлардан дарс беради?
4. Неча нафар аёл раҳбарлик лавозимларида фаолият юритади?
5. Педагогика ОТМда қарор қабул қилиш жараёнининг тузилиши қандай? Умумий ёки иерархик?
6. Мамлакатда педагогика ОТМни бошқарадиган аёллар сони қанча?
7. Педагогика ОТМнинг стратегик режалари гендер жиҳатларини ҳисобга оладими ҳамда улар аёллар ва эркаклар эҳтиёжларига жавоб берадими?

II. Юқорида санаб ўтилган 7 саволга педагогика ОТМни бошқариш бўйича институционал тадбирлар гуруҳининг хулосаси қандай? Вақт ўтиши билан улар ўзгариб қоладими? Агар шундай бўлса, қай даражада?

2-МОДУЛЬ: 7-Иш варақаси

Иштирокчилар гендер ёндашуви орқали ташкилотчиликни қўллаб-қувватлаш хизматларини синаб кўриш учун кичик гуруҳларда ишлашади. Иштирокчилар 15 дақиқада кичик гуруҳларда мунозаралар ўтказадилар, кейин флипчартга жавоб ёзишади.

1. Педагогика ОТМда ётоқхоналар мавжудми? Агар шундай бўлса, гендер сезгирми?
2. Аёл ходимларга молиявий ёрдам қандай ҳолатларда (ижтимоий-иқтисодий аҳволда бўлган аҳоли қатламлари, чекка ҳудудларнинг фуқаролари, бошқа тилларда гапирадиган этник озчиликлар) белгиланади?
3. Гендер эксплуатация билан боғлиқ жиноятлар учун жазо чоралари борми?
4. Гендер асосида мониторинг ва таҳлил механизми мавжудми?
5. Муассаса маъмурияти ва аъзолари гендер масалалари бўйича машғулотлар ўтказадими?
6. Педагогика ОТМ ўқитувчилари ва талабалари учун гендер масалалари бўйича маслаҳатлар бериш механизми борми?

II. Юқоридаги саволлар юзасидан педагогика ОТМ ташкилий ёрдам хизматлари гуруҳининг фикрлари қандай? Вақт ўтиши билан улар ўзгариб қолдими? Агар шундай бўлса, қандай даражада?

3-МОДУЛЬ: 8-Иш варақаси

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА УЧРАЙДИГАН ГЕНДЕР ТЎСИҚЛАР

Иштирокчилар кичик гуруҳларда ўқитувчилар малакасини ошириш дастурига оид вазиятни муҳокама қилиш учун қуйидаги масалаларни муҳокама қиладилар:

1. Мутхассисликка кириш дастурида ўқитувчилик касбига кириш ҳақида гап борадими?
2. Агар дастур фақат айрим янги ўқитувчиларга берилса, улар кимлар?
3. Дастур давомида қандай ёрдам кўрсатилади? Ундан қачон фойдаланиш мумкин?
4. Дастур давомида ўқитувчиларни ким қўллаб-қувватлайди?
5. Дастур қанча вақтга мўлжалланган?
6. Дастур янги ўқитувчилар учун самаралими? Нима учун шундай ёки аксинча?
7. Педагоглик касбига киришда гендер тўсиқлари мавжудми?
8. Агар дастурда гендер тўсиқлари мавжуд бўлса, улар қандай намоён бўлади?
9. Ўқув дастурида гендер тўсиқлари қандай намоён бўлади, Педагоглик касбини эгаллаш эркак ва аёл ўқитувчиларга қандай таъсир қилади?
10. Гендер тўсиқларни бартараф этиш бўйича қандай чоралар кўрилган? Флипчартда гуруҳнинг мунозарадаги калит сўзларини ёзинг.

3-МОДУЛЬ: 9-Иш варақаси

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРЛАРИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ

Иштирокчилар мавзуни кичик гуруҳларда муҳокама қилишади ва жинсларга нисбатан ривожлантириш дастурларида юзага келиши мумкин бўлган камситувчи жиҳатларни аниқлашади: Гуруҳ муҳокамаси учун амалий саволлар:

1. Ушбу дастурлар мазмуни ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга оладими?
2. Дастур ўқитишнинг назарий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратадими?
3. Ушбу дастурлар педагогика соҳасида қўшимча билим ва тажрибани қай даражада таъминлайдилар?
4. Ушбу дастурлар гендер масалаларига тегишлими? Агар шундай бўлса, улар гендер масалаларини самарали ҳал қиладими? Нима учун?
5. Гендер машғулоти мавжудми? Гендер масалалари бўйича кимлар иштирок этади?

Флипчартда гуруҳ муҳокамаси натижаларини ёзинг.

3-МОДУЛЬ: 10-Иш варақаси

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИШТИРОКЧИЛАРНИ ТАНЛАШДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ

Иштирокчилар ўқитувчилар малакасини ошириш дастурларини танлаш ва ташкил этишдаги гендер тўсиқларни аниқлашади.

Тезкор масалалар:

1. Аёл ва эркак ўқитувчилар илғор ўқув дастурларини яратишда иштирок этиш учун бир хил имкониятга эгами?
 2. Эркак ўқитувчилар тренингларда қатнашиш учун қандай шароит ва имкониятларга эга?
 3. Аёл ўқитувчилар тренингларда қатнашиш учун қандай шароит ва имкониятларга эга?
 4. Ўқув дастурларини ташкил этишда ўқитувчиларнинг, айниқса, аёл ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжлари ва шахсий шароитлари ҳисобга олинadими?
 5. Тренерлар кимлар? Улар гендер сезгирми?
 6. Гендер жиҳатларини камраб оладиган услублар асосида мактаб базасида ташкил этилган малака ошириш машғулотлари мазмуни яхшиланадими? Нима учун?
- Мунозара натижаларини флипчартга ёзиб олинг.

3-МОДУЛЬ: 11-Иш шакли

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ КУРСЛАРИ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИДАГИ ГЕНДЕР ТЎСИҚЛАР

Иштирокчилар таълим жараёнида учрайдиган гендер камситилишларини муҳокама қилишади ва белгилайдилар.

Тизимли масалалар:

1. Иш жойларида кўпинча ўқув машғулотларининг қайси усулларидадан фойдаланилади?
2. Таълим дастурларида қўлланиладиган усуллар гендер сезувчанлигини акс эттирадими?
3. Тренерлар эркак ва аёл иштирокчиларга қандай муносабатда бўлишади?
4. Кўпинча саволларга ёки машғулот вақтидаги муҳокамаларда ким жавоб беради?
5. Машғулотлар давомида тренерлар кимни макташади?
6. Тренерларнинг эркак ва аёл иштирокчиларни баҳолашида фарқ борми?

Натижаларни флипчартга ёзиб олинг.

3-МОДУЛЬ: 12-Иш шакли

МАКТАБ ШАРОИТИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ТАРТИБИ

Қатнашувчилар кичик гуруҳларда қуйидаги мавзуларни муҳокама қилишади:

1. Мактабда доимий ўқишни давом эттириш ва қўллаб-қувватловчи тузилмаларни шакллантириш жараёнида гендер ёндашуви мавжудми? Агар шундай бўлса, бу қандай намоён бўлади? Агар бўлмаса, бу қандай намоён бўлади?
2. Гендерга сезгир бўлган мактаб маданияти нимани англатади?
3. Мактаб раҳбарлари гендер сезгир бўлган мактабни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш учун нима қилишлари мумкин?

Натижаларни флипчартга ёзиб олинг.

4-МОДУЛЬ: 13-Иш шакли

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ГЕНДЕР СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Иштирокчилар кичик гуруҳларда қуйидаги саволларни муҳокама қилиш ва жавоб топиш учун ишлайдилар:

1. Қайси ҳолларда гендер масалалари бўйича тадқиқотлар педагогика ОТМ ўқув дастурларига киритилиши мумкин? Бу соҳада қайси мавзулар қўлланилиши мумкин ва муҳим?.
2. Қандай қилиб тадқиқотни узлуксиз малака ошириш дастурларига интеграциялаш мумкин? Ўқитувчиларни ўқитиш ва гендер тенглигининг ривожланишига ҳисса қўшиш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?

ПЕДАГОГИКА ОТМ БЮДЖЕТИДАГИ ГЕНДЕР ТЎСИҚЛАР

Иштирокчилар гендер тенглиги масалаларини ҳал этишдаги камчиликларни аниқлашда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш учун мавжуд бюджет маблағларини таҳлил қилишади.

Таҳлил учун ўқитувчилар малакасини ошириш муассасасининг йиллик ҳаражатларининг бир нусхасини олинг.

Таҳлил қилиш учун саволлар:

1. Бюджет маблағлари ўқитувчилар малакасини ошириш муассасасининг тамойиллари ёки расмий талабларига мувофиқми?
2. Эркаклар ва аёллар учун бюджет маблағлари тенг даражада тақсимланишини таъминлаш учун ўқитувчилар малакасини ошириш муассасаларида расмий талаблар мавжудми?
3. Бир хил лавозимдаги аёллар ва эркакларнинг маоши бир хилми?
4. Бюджет эркаклар ва аёллар учун махсус ажратмалар берадими?
5. Эркаклар ва аёллар ўз вазифалари билан боғлиқ даромадлардан тенг равишда фойдаланяптиларми?
6. Бюджетда қандай махсус тадбирлар гендер вазифаларини ҳисобга олишни талаб қилади?
7. Педагогика ОТМнинг ҳаражатлари гендер бефарқлик ҳақида нимани англатади?
8. Педагогика ОТМда бюджет тўғрисида ким қарор қабул қилади? Эркакларми ёки аёллар?

5-МОДУЛЬ: 15-Иш шакли

МАШҚ: ГЕНДЕР КАМСИТИЛИШ ҚАЙ ЙЎСИНДА АКС ЭТГАН?

Қуйида келтирилган 2 та саволга ўйлаб жавоб беринг.

Педагогика университети интерактив усулда кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш учун 4000 АҚШ доллари миқдорида грант олди. Университетнинг 60 нафар ходимлари эркаклар, 55 нафари аёллар.

Қуйидаги жадвалда харажатларнинг қисман тақсимланиши ва фаолиятда иштирок этиш учун тайинланган ходимларнинг исмлари кўрсатилган:

Харажатлар	Жами (АҚШ доллари)	Жавобгар шахс
Ишчи дастур тайёрлаш		
1.1 Таълим бўйича ўқитувчиларнинг мураббийи (2 киши)	1 000	Миссис А, Мистер Б
1.2 Иштирок этувчи ходимлар (10 киши)	1 050	Мистер С, Мисс Д, Миссис Э, Мистер Ф, Мистер Г, Миссис Х, Мистер И, Мистер Ж, Мистер К, Мистер Л
2. 6 киши учун саёҳатга пул (муассасадан ташқарида)	500	Мистер М, Мистер Н, Миссис О, Мистер П, Мистер Қ, Мисс Р
3. Мувофиқлаштириш харажатлари		
3.1. Дастур координатори	600	Жаноб С
	250	Мисс Т
3.2. Маъмурий ёрдамчи	400	Миссис У
3.3. Хизмат координатори	200	Жаноб В
3.4 Хавфсизлик		
Жами бюджет	4000	

1. Бундай бюджет эркаклар ва аёлларга қандай таъсир қилиши мумкин:

2. Муассасанинг бюджет тақсимоти гендер тенглиги ҳақида нимани англатади?

Тренинг олди таҳлил варақаси

Ўз лавозимингизни кўрсатинг _____

2. Бу гендер масалалари буйича Сизнинг биринчи тренингизми? ☐ Йўқ, ☐ Ҳа ☐

3. Илтимос, ушбу тренингдан нималарни кутишингизни қисқача айтиб ўтинг.

4. Умуман олганда, таълимдаги гендер ҳақида сиз қайси 4 та ёки 5 та асосий сабабларни биласиз?

1) _____

2) _____

3) _____

4) _____

5) _____

5. Ўқитувчиларни ўқитишдаги гендер ёндашуви ҳақида 4 ёки 5 жиҳат ҳақида кўпроқ билишни ҳоҳлайсизми?

1) _____

2) _____

3) _____

4) _____

5) _____

5. Ўқитувчиликда тайёрлашда гендер масалаларини ҳисобга олишда қайси 4 ёки 5 жиҳатлар ҳақида кўпроқ билишни ҳоҳлайсиз?

1)

2)

3)

4)

5)

Ўтказилган тренингни баҳолаш варақаси

Лавозимингиз: _____

Бу гендер масалалари бўйича сизнинг биринчи тренингизми? ☐Ҳа ☐Йўқ

1. Марҳамат, ушбу тренинг мазмунини қисқача баён қилинг

2. Тренинг ўз мақсадига эришди, деб ҳисоблайсизми?

-Тўлиқ эришди.

-Қисман эришди.

-Умуман эриша олмади.

3. Ушбу тренингнинг қайси 4-5 асосий жиҳатлари ҳақида билиб олдингиз ёки улар бўйича ўқитувчиларни тайёрлашда гендер ёндошуви юзасидан билимингизни оширддингиз?

1.

2.

3.

4.

5.

4. Сизнингча, қайси машғулотга кўпроқ вақт ажратиш керак?

5. Сизнингча, қайси машғулотни тезлаштирилган метод бўйича ўтиш мумкин?

6. Гендер ёндошувни самарали амалга ошириш борасида ижобий натижа олиш учун кейинги босқичда қандай ёрдам зарур?

7. Марҳамат, Сизни фикрингизга аниқ мос тушадиган жавобни белгиланг:

- Тренингни бориши мен учун жуда тез
 - Тренингнинг бориши мени қаноатлантиради
 - Тренингнинг бориши мен учун ўта суст.
8. Ушбу тренинг ҳақида қисқача фикрингизни баён
этинг. _____

СЕМИНАР ТРЕНИНГНИ БАҲОЛАШ

Сизнинг лавозимингиз:

Бу гендер масаласи буйича Сизнинг биринчи тренингизми? ☐ Йўқ, ☐ Ҳа ☐

1	Илтимос, ушбу тренингдан умумий таассуротларингизни қисқача изоҳланг	
2	Сизнингча, тренинг мақсадларига эришилди?	Тўлиқ эришилди Қисман эришилди Эришилмади
3	Ушбу тренингда ўқитувчиларни тайёрлашда гендер ёндашуви бўйича билимингизни қай даражада оширдингиз?	1. 2. 3. 4. 5.
4	Сизнинг фикрингизча, қайси модулга кўпроқ вақт берилиши керак?	
5	Сизнинг фикрингизча, қайси модулни тезроқ ўрганишингиз мумкин?	
6	Гендер ёндашуви самарадорлигини амалга оширишингиз учун қандай ёрдам керак?	

7	Илтимос, фикрингизга энг мос келадиган жавобни белгиланг.	Тренингни бориши мен учун жуда тез. Тренинг тезлиги мени қаноатлантиради. Тренинг тезлиги мен учун жуда секин.
8	Ушбу тренинг ҳақида қисқача фикрингизни баён этинг.	_____ _____ _____